

С.МИРСОАТОВА, М.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати: тарих ва ҳозирги замон

(ўқув-услубий кўрсатма)



ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИ: ТАРИХ
ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН**

(ўқув-услубий кўрсатма)

Фарғона - 2015

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланиб, ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, дунёда юз бераётган халқаро сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда ва ўз муносабатини билдирмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, яъни дипломатияси ўзига хос тамойиллар ва йўналишлар асосида фаолият олиб бормоқда. Мазкур ўқув-услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг айрим жиҳатларини ёритиш билан биргаликда, республикамизнинг халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан алоқалари ҳақида қисқача маълумот беради.

Ушбу ўқув-услубий кўрсатма университетнинг “Тарих” йўналиши бакалаврлари, ўрта махсус ўқув юртлари “Ўзбекистон тарихи” фани ўқитувчилари ва талабалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар, “Камолот” ижтимоий ҳаракати учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, тарих фанлари номзоди, профессор

Такризчилар:

А.Комилов – тарих фанлари номзоди, доцент

Р.Арслонзода – тарих фанлари номзоди

Фарғона давлат университети Илмий Кенгашининг 2015 йил 29 май 9-сонли йиғилиш баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Ўзбекистон 1991 йил мустақил давлат бўлгач, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланиб, жаҳон сиёсий харитасида ўз ўрнига эга бўлди ва ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, дунёда юз бераётган халқаро сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этиб, ўз муносабатини билдирмоқда. Суверен Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати, яъни дипломатик алоқалари ўзига хос тамойиллар ва йўналишлар асосида фаолият олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тузилган тинчликпарвар ташқи сиёсати, унинг дунёда мустақил давлат сифатида тезда тан олинishi омилидир. Ўзбекистон ўз дипломатиясига тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўлини асос қилиб олган. Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида (хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари)” ва бошқа методологик асарларида, шунингдек, Ўзбекистон Конституциясида, Ўзбекистон Республикаси “Ташқи сиёсий фаолияти асосий принциплари тўғрисида”ги Қонунда давлат ташқи сиёсатини юритишнинг қоидалари назарий ва амалий ҳолати, унинг истиқболи пухта асослаб берилган.

Ўзбекистон ташқи сиёсати “тасдиқлаш дипломатияси” деб баҳолангани ўз моҳиятига эга бўлиб, вужудга келган муаммоларни тизимли ва босқичма-босқич ҳал этишдир. Дипломатик мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон, аввало, “ўзбек модели”, менталитетининг ҳаётий миллий манфаатларидан келиб чиқади.

Мустақил Ўзбекистондаги тинчликнинг барқарорлиги, фуқаролик жамиятининг демократик ҳуқуқлар асосида ривожланиши унинг дипломатиясининг обрўси жаҳон ҳамжамиятида янада ошишига хизмат қилмоқда. Ушбу алоқаларнинг ривожланишида Президент И.А.Каримовнинг ташқи алоқаларимизнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда, уларни миллий манфаатларимиз билан уйғунлаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини

кўтаришда хизматлари бебаҳодир. Зеро, бугун Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 166 давлат расман тан олган ва 131 давлат дипломатик алоқалар ўрнатилган.

Тошкентда 44 мамлакат ўз элчихона ва консуллик ваколатхоналарини очган. 30 дан ортиқ мамлакатда Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари очилган.

Республикада 80 дан ортиқ чет эл ваколатхоналари ва 20 дан ортиқ ҳукуматлараро муассасалар фаолият олиб бораётганлиги ижобийдир.

Мазкур ўқув-услубий кўрсатма Тарих (бакалавр) факультети талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, хусусан, дунё давлатлари билан алоқалари билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оммаси ҳам фойдаланиши мумкин. Ушбу ўқув-услубий кўрсатма амалдаги ўқув дастури таҳлили асосида тайёрланди.

Кўрсатмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати билан боғлиқ директив ҳужжатлар, чоп этилган илмий асарлар, Президент И.Каримов асарлари, матбуот ва интернет материалларидан мақсадли фойдаланилди.

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН” МАХСУС КУРСИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ташқи сиёсат ҳақида умумий тушунча

Инсоният жамиятида давлатлар пайдо бўлибдики, улар ўртасида у ёки бу даражада сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилган. Дастлабки давлатчилик Миср, Месопотамия, Элам (ҳоз. Эрон ҳудуди), Ҳиндистон ва Хитойда бундан 3,5 – 5 минг йиллар муқаддам вужудга келган. Худди мана шу даврлардан бошлаб давлатларнинг бир-бири билан ташқи алоқалари йўлга қўйилила бошлаган. Илк давлатлараро алоқалар, асосан, товар айирбошлаш, яъни ўзаро савдо орқали амалга оширилган. Давлатларнинг ўзаро савдо алоқалари натижасида қадимги карвон, денгиз йўллари вужудга келган. Буюк ипак йўли мил. ав. II асрдан то мил. XV асргача, яъни буюк географик кашфиётларга қадар, энг қадимги давлатлараро ташқи алоқаларни амалга оширишда муҳим рол ўйнаган.

Агар XV асрда дунёда атиги 5-6 та давлат бўлган бўлса, 1900 йилга келиб уларнинг сони 30 тага етди¹. Ҳозирги кунда дунёда халқаро ҳуқуқнинг *де-юре* ёки *де-факто* субъектлари дея тан олинган, муайян ҳудудни эгаллайдиган, мустақил ёки ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга ва давлат сифатида тан олинган 230 га яқин мамлакатлар² мавжуд бўлиб, улар 400 дан ортиқ³ халқаро, халқаро-минтақавий ташкилотлар ҳамда уларнинг соҳалараро алоҳида бўлимлари ва бошқа ассотсиациялар, кўмиталар доирасида ёки айрим давлатлар билан ўзаро доирада жаҳон сиёсий-иқтисодий жараёнларида қатнашадилар. Мазкур фаолият орқали давлатлар ўз ташқи сиёсатларини амалга оширадилар.

“Ташқи сиёсат” тушунчаси давлатнинг халқаро ишларида тутган умумий йўлини қамраб олади. Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар ва халқлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари соҳасидаги фаолиятнинг мақсадлари ва вазифаларини ўз ичига олади.

Давлатлараро ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, чет элда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги

¹ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005. Б. 5.

² Ўша жойда. Б. 3.

³ Ўша жойда. Б. 8.

расмий фаолият дипломатия орқали амалга оширилади. “Дипломатия” термини ҳозирги маънода Ғарбий Европада XVIII аср охиридан қўлланила бошлаган. Дипломатия давлат ташқи сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади, ана шу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари дипломатия шакли ва услубларини белгилаб беради.

Дипломатик фаолиятнинг асосий шакллари:

- дипломатик конгресслар, конференциялар ёки кенгашлар;
- нота, меморандум, баёнот ва ҳоказо шакллардаги дипломатик ёзишмалар;
- халқаро шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш;
- давлатнинг элчихоналар ва миссиялар орқали амалга оширадиган чет элдаги вакиллиги;
- халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш;
- ташқи сиёсий масалалар бўйича ҳукумат нуқтаи назарини матбуотда ёритиш.

Дипломатик муассасалар ва уларнинг масъул ходимлари дипломатик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади. Халқаро ҳуқуққа биноан, дипломатик вакилларга ўзлари ишлаётган мамлакат ички ишларига аралашиб ман этилади. Дипломатия фаолияти дипломатик ва консуллик муносабатларда намоён бўлади. Дипломатик ва консуллик муносабатлари Вена конвенциялари (1961 ва 1963 йй.)да белгилаб қўйилган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади.

“Дипломатик муносабатлар тўғрисида”ги Вена конвенцияси 1961 й. 18 апрелда Вена шаҳрида (Австрия), дипломатик муносабатлар ва иммунитетлар масалалари бўйича БМТ конференциясида қабул қилинган (мазкур конвенция 53 моддадан иборат).

“Консуллик алоқалари тўғрисида”ги Вена конвенцияси 1963 й. март – апрелда (24 апрелда) 92 давлат вакиллари қатнашган БМТнинг Вена конференциясида қабул қилинган ҳамда 1967 йил 19 мартда кучга кирган. Мазкур конвенция халқаро муомалада иштирок қилувчи барча давлатлар ўртасидаги консуллик алоқаларини тартибга солиб туради. Ўзбекистон мазкур конвенцияга 1994 йил 6 майда қўшилган.

Ҳозирги кундаги дунёнинг сиёсий-иқтисодий жараёнларига ва халқаро вазиятга назар ташланса, қуйидагича хулосага келиш мумкин:

XX асрнинг охириги чораги – XXI аср бошларида дунё давлатлари ўртасидаги муносабатларда геосиёсий стратегия муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва халқаро вазият тубдан ўзгариб кетди.

Маълумки, илгари жаҳонда икки қарама-қарши система – СССР ва АҚШ етакчи бўлган, бир-бирига ғоявий жиҳатдан зид икки тизим, икки блок мавжуд эди. Дунёнинг хавфсизлик тизими ҳам худди шу икки блокнинг ўзаро мухолифлик мувозанатига асосланган эди.

Биринчидан, собиқ социалистик лагернинг парчаланиши оқибатида давлатлараро муносабатлар тизимидаги мувозанат бузилди. Жаҳонда иқтисодий-сиёсий бўлиниш рўй берди. Кучлар маркази илгари икки жойда бўлса, эндиликда ўз тақдирини ўзи белгилаш орқали ички имкониятларни ишга солиш, ҳар кимнинг ўз аравасини ўзи тортиш зарурати туғилди.

Иккинчидан, жаҳонда мулкӣ тенгсизлик кучайди. Яъни, саноати ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва зиддиятлар кучая бошлади. Бу ҳолат жаҳон ресурсларини тақсимлашда яққол кўринади. Яъни, табиат ресурслари аслида ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланади. Лекин саноати юксак ривожланган мамлакатлар бу бойликларни назорат қилишни ўз қўлларига олишга интила бошлади.

Учинчидан, дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашига бевосита турли хавф-хатарлар мавжуд бўлиб қолди. Гарчи ялпи ядро уруши хавфи анча камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар таҳдиди, халқаро террорчилик, халқаро гиёҳвандлик моддалари савдоси, ОИТС (СПИД) каби умумбашарий муаммолар ҳамон таҳликали ҳолатда сақланиб қолмоқда.

Тўртинчидан, жаҳон миқёсида умумий тараққиёт одамлар билимдонлигини ошириб, дунёқарашининг ўзгаришига, коммуникациялар юксалишига, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсирига олиб келди.

Бешинчидан, ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳар қандай мамлакатнинг нуфузи, аввало, унинг энг янги технологияларни қабул қилиши ва ундан фойдаланиш қобилиятига қараб белгиланадиган бўлди.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, ҳозирги вазиятда дунё мамлакатлари, уларнинг айримлари сиёсий-иқтисодий соҳада қанчалик тараққий этган бўлишига қарамай, халқаро муносабатларда қатнашишга, дунёдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик вазиятлар, халқаро террорчилик, гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалари савдоси каби умуминсоний глобал муаммолар билан ҳисоблашишга мажбурдирлар. Мазкур муаммолар давлатларнинг халқаро, минтақалараро ва айрим давлатлараро интеграция жараёнларида фаол бўлишни тақозо этади.

Курснинг мақсад ва вазифалари

Ўзбек давлатчилиги тарихида чет эллар билан мунтазам алоқалар йўлга қўйилганлиги яхши маълум. Ўзбекистон худудидаги энг қадимги давлат бирлашмалари: Канг, Хоразм, Довон, Юнон-Бактрия, кейинчалик, Кушонлар, Эфталлар, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, Хоразмшоҳлар давлати, Амир Темур (Франция, Англия, Кастилия, Константинопол, Генуя ва Венеция билан) ва темурийлар давлати, хонликлар даврида Шарқ ва Ғарб билан савдо ва элчилик муносабатлар ўрнатилган. Бу алоқаларда, айниқса, Буюк ипак йўлининг (мил. ав. II аср – мил. XV аср) аҳамияти катта бўлган.

Чор Россиясининг босқини, собиқ коммунистик империя ҳукмронлиги даврида (130 йил давомида) Ўзбекистон ташқи дунёдан бутунлай ажратилган эди. Тўғри, Ўзбекистон совет республикаси сифатида собиқ социалистик лагер мамлакатлари ва айрим собиқ иттифоққа хайрихоҳ давлатлар билан фақат маданий соҳалардагина алоқалар ўрнатган. Лекин бу алоқалар марказнинг қаттиқ назорати остида амалга оширилган.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон 180 га яқин давлат томонидан тан олинди, 120 дан зиёд давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди (2002 й. янв.). БМТ, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда кенгашларга аъзо бўлди. Ўзбекистон ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга

бўлиб, дунёда юз бераётган халқаро сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этмоқда ва бу жараёнларга ўз муносабатини билдирмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ўзига хос тамойиллар ва йўналишларга асосланади.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати: тарих ва ҳозирги замон” махсус курсининг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон ташқи сиёсатининг “Ўзбек модели” асосида ўзига хос тамойилларини чуқурроқ ўрганиш;
- Ўзбекистоннинг халқаро ташкилот ва бирлашмалар билан алоқаларини ўрганиш;
- Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини алоҳида давлатлар, минтақалар доирасида ўрганиш;
- Ўзбекистоннинг халқаро майдонда юз бераётган сиёсий жараёнларга муносабатини ўрганиш;
- Ҳозирги дунё ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида тушунчаларга эга бўлиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВЕРЕН ДАВЛАТ СИФАТИДА МУСТАҚИЛ БЎЛИШИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари

Маълумот учун: Ўзбекистон ҳудудининг катталиги бўйича 55-ўринда, аҳолиси бўйича 39-ўринда, олтин заҳиралари бўйича 4-ўринда, ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми юзасидан дунёда 8-ўринда ва аҳоли жсон бошига олтин ишлаб чиқариш бўйича 5-ўринда туради. Бундан ташқари, уран заҳиралари бўйича 7-ўринда, қазиб олиш бўйича 6-ўринда, экспорт бўйича 3-ўринда, миснинг тасдиқланган заҳираси бўйича 10-ўринда, табиий газ бўйича 14-ўринда, уни қазиб олиш бўйича 8-ўринда, қоракол тери ишлаб чиқариш бўйича 2-ўринда, пахта ишлаб чиқариш бўйича 5-ўринда, экспорт бўйича 2-ўринда, ипак ишлаб чиқариш бўйича 6-ўринда туради⁴.

Мамлакатда топилган 30 та олтин конининг заҳираси 4000 тоннадан ошади. Ҳар йили 80 минг тонна мис қазиб олинади⁵.

Ҳали собиқ иттифоқ мавжуд бўлиб турган даврдаёқ Ўзбекистон мустақиллик сари илк қадамларини қўя бошлаган эди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбек тилига “Давлат тили” мақоми берилиши ўз даврининг туб сиёсий бурилиши бўлди. Бу давргача барча расмий фаолият турлари рус тилида олиб борилар эди.

1990 йил 24 мартда XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозими таъсис этилди. Бу Республиканинг мустақиллик йўлидаги навбатдаги қадами бўлди.

1990 йил 20 июнда XII чақириқ республика Олий Советининг иккинчи сессиясида “Мустақиллик Декларацияси” қабул қилинди. Худди шу куни ерлар республика ва халқ мулкига айлантирилганлиги ҳақида қонун қабул қилинди.

1990 йил 30 октябрь Ўзбекистон мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароитни таъминлашга қаратилган қонун қабул қилинди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси. Маълумотлар китоби. Тошкент. Янги аср авлоди. 2011. Б. 45-46.

⁵ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1996. Т. 1. Б. 251.

1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикасининг 30 моддадан иборат “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Натижада мустақиллик йилларида 60 минг нафарга яқин юртдошларимиз Ҳаж зиёратига бориб келдилар⁶.

1991 йил 22 июнда саноат корхоналарини, ташкилотлар ва муассасаларни Ўзбекистон ихтиёрига ўтказиш хусусида қонун чиқарилди.

1991 йил 31 августда 17 моддадан иборат “Давлат мустақиллиги асослари ҳақида” Конституциявий Қонун Олий Кенгаш томонидан қабул қилинди. Республика мустақиллигининг эълон қилиниши натижасида қуйидагиларга эришилди:

- Биринчидан, ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди.
- Иккинчидан, мустақиллик республикада адолатли, демократик жамият қуришга йўл очиб берди, миллий давлатчилик барпо қилишга имконият яратди.
- Учинчидан, Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзини танитиш, халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди, жаҳон харитасида Ўзбекистон янги, мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлди.
- Тўртинчидан, жаҳон амалиётида исботланган бозор муносабатларига ўтиш учун шароит яратилди. Мулкка муносабат тубдан ўзгарди, жамиятда янги мулкдорлар синфини шакллантириш учун имкониятлар очилди.
- Бешинчидан, халқнинг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратилди. Юрт тарихи, қадимий маданият тиклана бошланди. Халқнинг азалий урф-одатлари, миллий қадриятлар тикланди, динга муносабат мутлақо ижобий томонга ўзгарди.

1991 йил 6 сентябрда Президент фармонида асосан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди. 1992 йил 14 январда мамлакат ҳудудида жойлашган собиқ иттифоқ Қуролли Кучларининг барча қисмлари,

⁶ “Халқ сўзи” 2007й. 6 декабрь

қўшилмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон тасарруфига олинди.

1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги 13 моддадан иборат Қонун қабул қилинди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов сайловчиларнинг 86 фоиз овози билан муқобиллик асосида сайланди.

1992 йил 2 июлда 8 моддадан иборат “Давлат герби тўғрисида”, 9 моддадан иборат “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентлигининг аъзоси эканлиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ XI сессиясида Конституция, 10 декабрда “Давлат мадҳияси тўғрисида” Қонун қабул қилинди.

1994 йил 1 июлдан бошлаб Республиканинг миллий валютаси – сўм муомалага киритилди.

1995 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши тузилди. 1996 йил 24 апрелда Олий Мажлиснинг 5-сессиясида “Миллий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида эътироф этилиши

1991 йил 10 октябрда Грузия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олди. Бу ёш мустақил давлатнинг иккинчи давлат томонидан биринчи бор тан олинishi эди. 1991 йил 15-19 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол таклифига биноан Туркия Республикасида расмий сафарда бўлди. Бу расмий сафар Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақил давлат бошлиғи сифатида биринчи

чет эл сафари эди. 1991 йил декабрь ойининг охириги ўн кунлиги республикамиз ташқи сиёсати тарихига воқеаларга бой ўн кунлик сифатида киради. Чунки бу даврда мамлакатимизни Миср Араб республикаси, Литва республикаси, Швейцария конфедерацияси, Ҳиндистон Республикаси, Руминия, Канада, Австрия ва Аргентина каби давлатлар тан олди. Президентимиз 1992 йил 29 январдан 2 февралгача Швейцарияда бўлиб Жаҳон иқтисодий анжуманида илк мартаба иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектга айланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон 180 га яқин давлат томонидан тан олинди, 120 дан зиёд давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди (2002 й. янв.). БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда кенгашларга аъзо бўлди.

1992 йил 30 январда (*айрим манбаларда 26 февралда*) Ўзбекистон ЕХҲТга қабул қилинди. Мазкур халқаро ташкилот доирасида 55 та давлат фаолият юритади (2002 й. маълумотиغا кўра).

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлди (*БМТнинг 46-сессиясида*). Республика халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъектга айланди. 1993 йил 26-28 сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Президент И.Каримов иштирок этди ва у ерда нутқ сўзлаб, Ўзбекистонни жаҳонга танитди.

1993 йил 24 октябрда Тошкентда Холид Малик бошчилигида БМТнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси очилди. Ҳозирги пайтда республикада мазкур Ваколатхона таркибида БМТнинг тараққиёт дастури (ПРООН), БМТнинг ахборот ва ижтимоий алоқалар бўйича бўлими, БМТнинг гиёҳвандлик моддаларига қарши кураш бўйича бўлими (ЮНДКП), фан, маданият ва таълим масалалари бўйича бўлими (ЮНЕСКО), қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси Ваколатхонаси, Болалар жамғармаси Ваколатхонаси (ЮНИСЕФ), саноат тараққиёти ташкилоти (ЮНИДО), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг халқ-аҳоли жамғармаси (ЮНФПА), БМТнинг Кўнгиллилар дастури (ДООН) фаолият кўрсатмоқда.

1995 йил 15-16 сентябрда Тошкентда йирик халқаро анжуман – БМТ ҳомийлигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан семинар-кенгаш чақирилди. Семинарда 20 та халқаро ташкилот ва дунёнинг 30 та мамлакатидан делегациялар, жумладан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар – АҚШ, Франция, Англия, Россия ва Хитой делегациялари қатнашди. Мазкур семинарда учта муҳим муаммо: Марказий Осиёда мустаҳкам хавфсизлик тизимини яратиш; Иқтисодий ҳамкорлик ва инфратузилмали коммуникациялар; Иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари муҳокама этилди.

Ўзбекистон 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг аъзоси бўлди, 1996 йилда Тошкентда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси очилди. ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли – мулоқот йўли” номли йирик тадқиқотида Марказий Осиёга биринчи даражали эътибор қаратилган. “Марказий Осиё сивилизатсиялари тарихи” номли фундаментал олти жилдли асар ҳам бевосита ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан нашр қилинди. Бу асар Ўрта эр денгизидан Хитойгача бўлган Марказий Осиё минтақасидаги тарихий-маданий жараёнлар манзарасини ёритишга бағишланган. Унинг дастлабки тўрт жилди 1992, 1994, 1996 ва 1998 йилларда босилиб чиқарилган.

ЮНЕСКО ҳомийлигида 1996 йил 26 августда Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институт очилди.

1998 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессияси яқунловчи мажлиси Тошкентда ўтказилди, унда турли мамлакатлардан 47 та делегат қатнашди.

Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларининг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг Бутун Жаҳон Маданий Мероси рўйхатига киритилди.

1994 йил кузида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1995 йил бошида ЕИнинг Брюсселдаги қароргоҳида ЎЗРнинг ваколатхонаси иш бошлади. 1996 йил 21 июнда Флоренция шаҳрида (*Италия*) Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу битим 1999 йил 1 июлдан кучга кирди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айланмаси 1992 йилда 546,8 млн. (бундан: 433,9 млн. Экспорт, 112,9 млн. импорт) АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1998 йилга келиб 1592,6 млн. (820,9 млн. Экспорт, 771,7 млн. импорт) АҚШ долларини ташкил қилди.

1996 йил Ўзбекистон Ислом конференцияси ташкилотига (55 та давлатни ўзида бирлаштирган) аъзо бўлган.

1997 йил Тошкентда “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи минтақа” масаласида халқаро конференция чақирилди.

Ўзбекистон мустақиликни қўлга киритгандан то 2000 йилгача бўлган маълумотга кўра 90 дан ортиқ халқаро шартномалар ва конвенцияларга, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича 38 та конвенцияга қўшилди. БМТ котибияти ажратиб берган 22 та асосий битим ва конвенциялардан 19 тасини Ўзбекистон ҳукумати ратификация қилди.

1998 йил 7 октябрда Тошкентда “Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбек модели” мавзусида халқаро илмий амалий конференция бўлиб ўтди. Бунда БМТ Ваколатхонаси, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди вакиллари, Финляндия, Голландия, АҚШ, Япония, Россия мутахассислари иштирок этдилар ва истиқболли ҳамкорлик тавсияларини бердилар.

1991-2001 йиллар мобайнида Ўзбекистонда 43 та давлат элчихонаси, 13 консуллик ваколатхоналари очилди. Ўзбекистон чет давлатларнинг 25 тасида элчихоналар, 10 тасида консулхоналар очишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, БМТ, ЕХХТ, ЕИ, НАТОда ўз ваколатхоналарига эга бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ: ТИНЧЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК УЧУН КУРАШИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари

“Ташқи сиёсат” тушунчаси давлатнинг халқаро ишларида тутган умумий йўлини қамраб олади. Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар ва халқлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари соҳасидаги фаолиятнинг мақсадлари ва вазифаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда стратегик дастурларини белгилайди ва тасдиқлайди. Олий Мажлис, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган халқаро шартномалар ва битимларни ратификация ёки денонсация қилади ва унинг бажарилиш ҳақида вақти-вақти билан ҳисобот беради.

Ўзбекистон Президенти, Конституцияга биноан, давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафолати ҳисобланиб, ЎзР номидан гапиради ва қарорлар қабул қилади. Шу мақсадда у музокаралар олиб боради ва шартнома ҳамда битимларни имзолайди; республика томонидан тузилган шартномалар, битимлар ва уларнинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди; аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади; ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади; Олий Мажлисга ҳар йили халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади.

ЎзР ўз ташқи сиёсатини Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг ҳориждаги ваколатхоналари орқали амалга оширади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, мамлакатдаги айрим халқаро ташкилотлар, кенгашлар ва жамиятлар Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга оширишга кўмаклашади. ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги ўз фаолиятида ЎзР Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва ўз Низомига асосланади.

Республика Ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифаси ЎзР суверенитетининг мустаҳкамлигини таъминлаш, мамлакат Президентининг

ташқи сиёсат соҳасидаги йўлини ҳаётга тадбиқ этиш, ҳорижий давлатлар билан муносабатда, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг манфаатлари ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Бундан ташқари, ЎзР ташқи ишлар вазирлиги ЎзР Президентининг топшириқларига биноан ташқи сиёсий фаолиятга алоқадор қонун лойиҳаларини тайёрлайди. Республикада дипломатик ва консуллик муассасаларини ривожлантириш республика жамғармаси ташкил этилган. Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида “Жаҳон” ахборот агентлиги таъсис этилган (1995 й. 8 ноябрда), у ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларга оид янгиликларни тарқатади.

ЎзР ташқи сиёсатининг асосий йўналиши ЎзР Конституцияси билан мустаҳкамланган: “ЎзР халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, қуч ишлатмаслик ёки қуч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”⁷.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди (7 моддадан иборат). Мазкур Қонун Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги асосий тамойил ва стратегик йўналишларини белгилаб беради.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принципларига, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунга, “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринасига, бошқа қонунларга, БМТ ва ЕХҲТнинг принциплари ва

⁷ ЎзР конституцияси. Т.1992. 1-бўлим, VI боб, 17-модда. 12-б.

мақсадларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланади.

1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди. Мазкур қонун 2000 йил 26 майда ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда қабул қилинди (31 моддадан иборат).

1991 йил 14 июнда Республиканинг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди. 1998 йил 25 декабрда ушбу қонун ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги таҳрирда қабул қилинди.

1991 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкни ташкил этиш тўғрисида” Фармони чиққан.

1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

1994 йил 5 майда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди, 1998 йил 30 апрелда мазкур қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

1995 йил 30 августда Ҳарбий доктрина қабул қилинди.

1995 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

1996 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва бу қонун 1998 йил 25 декабрда қўшимча ва ўзгартиришлар билан янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Республика Конституциясининг 17-моддасида белгилаб берилган тартиб қоидаларга асосланади. Бу қуйидаги тамойилларда ўз аксини топади:

- биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги;
- иккинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;
- бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги стратегияси, аввало, мамлакатнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашга йўналтирилган. Президент мана шу стратегияни амалий фаолиятга айлантириш учун қуйидаги устувор тамойил ва чора-тадбирлари бўйича таклифи ҳаётга тадбиқ этилмоқда, улар қуйидагилар:

- Хавфсизлик бўйича коллектив битимлар тузиш, Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудудни яратишни кўзда тутадиган муносабатлар тизимини барпо этиш;
- МДҲ мамлакатлари ўртасидаги улар мустақилликка эришган кунгача бўлган чегараларни мутлақо ўзгармаслигини эътироф этиш;
- Марказий Осиёда этник зиддиятлар, Тожикистон ва Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- Ашаддий ақидапарастлик оқимларининг кучайиши натижасида юзага келиши эҳтимоли бўлган тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида мусулмон дунёси билан мулоқот ўрнатиш, турли сивилизатсиялар ўртасидаги баҳсларни бошқариш ишида ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Россия билан ўзаро тенг ҳамкорлик ва манфаатдорликка асосланган кенг қамровли стратегик мулоқотни мустаҳкамлаш;
- Марказий Осиё давлатлари ўртасида экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

- Хорижий сармояларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя этиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

И.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислоҳ этишдир” номли асарида: “Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир”, - деб таъкидлаган ва Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини куйидагича белгилаб берган:

- Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш;
- “Қўшнинг тинч – сен тинч” деган ҳаётий нақлга амал қилиш;
- Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда БМТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;
- ЕХҲТ, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- Жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутган давлатлар билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ЎзР ташқи сиёсатининг асосий мақсади давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналган бозор иқтисодиётини қарор топтириш учун халқаро шароитларни яратиш, тинчлик, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат. Бундан ташқари, Республика ташқи сиёсатининг вазифаси – ички иқтисодий ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, фуқаролик жамияти шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун олиб бораётган кураши

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири тинчлик, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий кураш олиб боришдан

иборат. Жаҳон ҳамжамияти томонидан 2004 йилгача терроризмга қарши 12 та халқаро конвенция ва баённомалар қабул қилинган. МДХ давлатлари ўртасида фақат Ўзбекистон ва Украина бу ҳужжатларнинг ҳаммасига имзо чеккан (*Россия ва Қозоғистон 11 тасини, Қирғизистон ва Тожикистон 9 тасини имзолаган*)⁸.

*Маълумот учун: 2002 йилда 1999 марта террорчилик ҳаракатлари рўй берган, унда 1593 киши ҳалок бўлган, 2003-йилда эса 190 та қўпоровчилик ҳаракати юз берди, унда 307 киши ҳалок бўлди. 2003 йилда 1969 йилдан буён 1-мартга энг кам террорчилик амалга оширилган⁹. 2004 йилда 3192 та террорчилик амалга оширилган, бунда 28,5 минг киши ҳалок бўлган, жароҳатланган ёки гаровга олинган.*¹⁰

Ўзбекистон 1992 йил 1 сентябрда Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлган. Бундан ташқари, озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенциясига, озон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақидаги Монреал Баённомасига, атроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни таъқиқловчи конвенцияга, Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилди.

Ўзбекистон Президенти дунёнинг кўплаб халқаро ташкилотлари минбарларидан туриб, (*масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси (1993 йил 28 сентябрда); 50-сессиясида (1995 йил); Лиссабондаги ЕХХТ саммитида (1996 йил декабрида)*) сўзлаган нутқларида “Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларга, мафкуравий гуруҳларга қўшилмайди”, - деб таъкидлаган.

1992 йилнинг охирида фуқаролар урушига тортилган Тожикистонга Ўзбекистон кўплаб озиқ-овқат, кийим ва энг зарур молларни юбориб турди, БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий қўмитаси комиссарлиги билан ҳамкорликда қочоқларнинг ўз юртига қайтишига ёрдам берди.

И.Каримов 1992 йил 9-10 июлда бўлган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида сўзлаган нутқида у ёки бу минтақада тинчлик ва барқарорликни бузиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, можароларга йўл қўйилмаслик муаммолари

⁸ Б. Умматов. Халқ сўзи // 2004 й. 4 май.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Халқ сўзи. 2005й. 8 июнь.

билан шуғулланувчи механизмни вужудга келтириш, ташкилот қабул қилаётган ҳужжатларнинг таъсирчанлигини ошириш таклифларини илгари сурди.

1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига қўшилди. Мазкур дастур 1994 йилда қабул қилинган, унда 27 та МДХ, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари қатнашади. “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури томонидан “Ҳамкорлик меваси-95”, “Ултрабаланс-96”, “Кооператив оспрей-96”, “Кооператив наггет-97”, “Ултрабаланс-97”, “Сентразбат-97”, “Кооператив баннерс”, “Кооператив наггет-2002” ва “Фергана-2003” қўшма ҳарбий машқлар ўтказилди. 2003-йил “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасида Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари 130 дан ортиқ тадбирларни ўз ичига олди¹¹.

1998 йил НАТОнинг Брюсселдаги бош қароргоҳида ЎзРнинг доимий миссияси очилди.

Лекин Ўзбекистон НАТОга аъзо бўлмайди. Бунинг иккита сабаби бор:

- биринчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устивор тамойилларидан бири ҳеч қандай ҳарбий блокларга аъзо бўлмаслик;
- иккинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий-географик ҳолати ҳам бирор-бир ҳарбий блокка кириш амалиётига тўғри келмайди. Мабодо шунга амал қилинадиган бўлса, минтақадаги хавфсизлик мувозанатига путур етказиши мумкин.

Ўзбекистон – НАТО муносабатларининг асл моҳияти – давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, қолаверса, минтақада барқарорликни қарор топтириш учун шарт-шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

ЕХХТнинг 1996 йил декабрда Лиссабонда бўлган саммитида Ўзбекистоннинг можаролар юз берган ҳудудларга яширинча қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш, ЕХХТнинг Марказий Осиёда фаолиятини кучайтиришга оид таклифлари маъқулланди ва Лиссабон Декларациясида ҳужжатлаштирилди.

¹¹ О. Байматов. Дунё хавфсизлиги кафолати// Халқ сўзи. 2004 й. 3 апрель.

1999 йил 18 ноябрь ЕХХТнинг Истанбул саммитида И.Каримов нутқ сўзлаб, тузилаётган янги Хавфсизлик Хартияси лойиҳасига қуйидаги таклифларни берди:

- ЕХХТ минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиш;
- ЕХХТнинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш;
- Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш¹².

Президент И.Каримов 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг “Минг йиллик саммити”да ҳам халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир кўплаб таклифларни билдирди. Мана шу таклифларнинг амалий натижаси сифатида 2001 йил 28 сентябрда БМТ хавфсизлик кенгаши доирасида террорчиликка қарши кураш қўмитаси ташкил этилди.

И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон Республикаси номидан қуйидаги таклифларга қаратди:

- Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкентда БМТнинг доимий ишловчи семинарини чақириш;
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва истиқболини белгилаш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилиш;
- Марказий Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш;
- Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролни тарқатмаслик устидан халқаро назорат ўрнатиш;
- Наркобизнесга қарши курашини кучайтириш;

¹² И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2000. Т. 8. Б. 83-86.

- Оролни ва Орол бўйини қутқариш.

Ўзбекистон ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинарда 20 та халқаро ташкилот ва дунёнинг 30 та мамлакатидан делегациялар қатнашди. Кенгаш якунлари юзасидан қабул қилинган Баёнот жаҳон халқларини, хусусан, Марказий Осиё халқларини, турли сиёсий кучларни минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва экологик ҳамкорлик тизимларини барпо этишга чақирди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1997 йил февралда Олма-отада бўлган учрашувида минтақани ядро қуролидан холи зонага айлантиришга аҳдлашилди ва бу аҳднома мазкур учрашувда қабул қилинган Олма-ота Декларациясида ўз ифодасини топди. “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона” шиори остида халқаро конференция ўтказиш таклифи илгари сурилди. Мазкур таклифга биноан, 1997 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. Ушбу масала юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирликларининг Баёноти имзоланди.

И.Каримовнинг бевосита таклифи билан Афғонистонга чегарадош олти мамлакат (*Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Эрон, Покистон, Хитой*) ва АҚШ ҳамда Россия иштирокида “6+2” мулоқот гуруҳи тузилди. Гуруҳнинг биринчи учрашув 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда ўтказилди.

1999 йил 19-20 июль кунлари Тошкентда “6+2” гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Бунда Афғонистондаги икки қарама-қарши гуруҳ “Толибон” ҳаракати ҳамда Афғонистон Бирлашган fronti вакиллари илк бор бир стол атрофига йиғилди. Учрашув ниҳоясида “Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент Декларацияси қабул қилинди. Қабул қилинган Тошкент Декларацияси БМТ хужжати мақомини олди.

Маълумот учун: Афғонистонда йилига 3 минг тоннадан ортиқ опий хом ашёси тайёрланади, бу дунёдаги етиштирилаётган наркотик

моддаларнинг 75 фоизни ташкил этади, Афғонистонда этиштирилаётган наркотик моддаларнинг 90 фоиз Европага кетмоқда.

2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат – Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (*ШХТ*) тузилди. Бу ташкилотнинг асосий мақсади ҳам минтақада хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган бўлиб, Шанхай саммитида янги ташкилотнинг мақсад ва принциплари эълон қилинган Декларация, шунингдек, терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. ШХТнинг 2004 йил 1 январдан фаолият кўрсатаётган минтақавий аксилтеррор тузилмаси қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат бошлиқларининг 2002 йил 28 февralидаги Олма-ота учрашувида “Марказий Осиё ҳамкорлиги” (МОҲ) ташкилотини тузиш ҳақида Шартнома имзоланди. МОҲТни ташкил этишнинг асосий мақсади бир қанча сиёсий-иқтисодий масалалар билан биргаликда минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтиришдир.

2002 йилда МОҲТ давлат бошлиқларининг 4 марта учрашуви бўлиб ўтди (*Олма-ота – 28 февраль, Оқтов – 6-7 июль, Душанба – 5-6 октябрь, Остона – 27 декабрь*).

2006 йилнинг 25 январида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган ЕврАзЕС саммитида Ўзбекистоннинг Ҳамжамиятга аъзо бўлиши ҳамда МОҲТнинг ЕврАзЕС билан бирлашиши ҳақидаги қарор қабул қилинди.

2006 йилнинг сентябрида Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида “Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида”ги шартномани имзоладилар¹³.

Юқоридаги барча таҳлиллар халқаро анжуманлардаги қабул қилинган расмий ҳужжатларда ўз моҳияти билан роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам 169 давлат билан Ўзбекистон ўзининг дипломатик алоқалари тизимига эгадир.

¹³ Халқ сўзи. 2007й. 2 март.

Шимолий Америка ҳақида географик маълумотлар¹⁴
рақамлар ва фактлар

Шимолий Американинг узунлиги:

<i>шимолдан жанубга</i> –	8000 км
<i>ғарбдан шарққа</i> –	4700 км
Майдони: -	20,4 млн. км ² , ороллар б-н 24,2 млн. км ²
шаҳар аҳолиси – <i>ташқари</i>)	77,2% (<i>Лотин Америкаси мамлакатларидан</i>)
қишлоқ аҳолиси –	22,8%
Аҳоли зичлиги:	
ўртача –	1 км ² га 20,1 киши
энг кўп –	1 км ² га 643,3 киши (<i>Барбадос</i>)
энг кам –	1 км ² га 3,2 киши (<i>Канада</i>)
Аҳолининг табиий ўсиши:	
ўртача –	1%
энг кўп –	2,75% (<i>Гватемала</i>)
энг кам –	0,35% (<i>Канада</i>)
Кутилаётган умрнинг узунлиги:	
ўртача –	эркаклар – 70,5 йил аёллар – 76,1 йил
энг узоқ –	эркаклар – 76,3 йил (<i>Канада</i>) аёллар – 83,2 йил (<i>Канада</i>)
энг кам –	эркаклар – 47,9 йил (<i>Гаити</i>) аёллар – 51,3 йил (<i>Гаити</i>)
Саводлилиқ (ўртача) –	92%; 98% (<i>Багам о.</i>), 45% (<i>Гаити</i>)
Йирик давлат:	
<i>Майдони бўйича</i> –	Канада, 9970,6 минг км ²
<i>Аҳоли бўйича</i> –	АҚШ, 280,6 млн. к. (2002)
Энг кичкина давлат:	
<i>Майдони бўйича</i> –	Сент-Китс ва Невис, 261,6 км ²
<i>Аҳолиси бўйича</i> –	Сент-Китс ва Невис, 38,7 минг к. (2002)
Аҳоли сони жихатдан энг катта шаҳар:	Мехико (<i>Мексика</i>), 8,6 млн к., шаҳар атрофи б-н 18,1 млн к. (2000)

¹⁴ Страны мира и международное организации. Москва. 2004. С. 92.

Рақамлар ва фактлар

Жанубий Американинг узунлиги:

<i>шимолдан жанубга</i> –	7200 км
<i>ғарбдан шарққа</i> –	5000 км
Майдони: -	17,65 млн. км ² , ороллар б-н 18,28 млн. км ²
шаҳар аҳолиси –	75,4%(Лотин Америкаси)
қишлоқ аҳолиси –	24,6%
Аҳоли зичлиги:	
ўртача –	1 км ² га 19,4 киши
энг кўп –	1 км ² га 47,4 киши (<i>Эквадор</i>)
энг кам –	1 км ² га 2,7 киши (<i>Суринам</i>)
Аҳолининг табиий ўсиши:	
ўртача –	1,1%
энг кўп –	2,58% (<i>Парагвай</i>)
энг кам –	0,83% (<i>Уругвай</i>)
Кутилаётган умрнинг узунлиги:	
ўртача –	эркаклар – 67,4 йил аёллар – 73,8 йил
энг узоқ –	эркаклар – 72,8 йил (<i>Чили</i>) аёллар – 79,6 йил (<i>Чили</i>)
энг кам –	эркаклар – 59,4 йил (<i>Бразилия</i>) аёллар – 65,3 йил (<i>Гайана</i>)
Саводлилиқ (ўртача) –	95%; 98% (<i>Гайана</i>), 83%
<i>(Боливия)</i>	
Йирик давлат:	
<i>Майдони бўйича</i> –	Бразилия, 8512 минг км ²
<i>Аҳоли бўйича</i> –	Бразилия, 176,03 млн. к. (2002)
Энг кичкина давлат:	
<i>Майдони бўйича</i> –	Суринам, 163,3 км ²
<i>Аҳолиси бўйича</i> –	Суринам, 436,5 минг к. (2002)
Аҳоли сони жиҳатдан энг катта шаҳар:	Сан-Паулу (<i>Бразилия</i>), 10,4 млн к., шаҳар атрофи б-н 18,5 млн к. (2000)

Ўзбекистон Республикасининг Шимолий Америка давлатлари билан
иқтисодий-сиёсий алоқалари

1991 йилнинг 27 декабрида АҚШ ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олган, 1992 йилнинг 19 февралдан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Шу йилнинг 16 мартда Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг биринчи элчихонаси – АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 300 дан ортиқ Америка – Ўзбекистон қўшма корхоналари ишлаб турибди. Бундан ташқари,

¹⁵Там же. С. 106.

мамлакатимиз худудидида АҚШнинг 28 та компания, фирма ва банклари фаолият кўрсатмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2001 йилда 300 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

1992 йилда олтин қазиб олиш бўйича “Зарафшон-Ньюмонт”¹⁶ Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Ушбу қўшма корхона Мурунгов кони ағдармаларининг минераллашган уюмидан олтин ажратиш олиш мақсадида барпо этилди. Қиймати 220 млн. АҚШ долларига тенг бўлган завод қурилиши 1993 йил октябрда бошланиб, 18 ойда – 1995 йил майда (*25 майда ишга тушган*) тугатилди. “Зарафшон-Ньюмонт” бир йилда 13,8 млн. тонна рудани қайта ишлашга мўлжалланган. 2000 йил декабрда корхона ишини 2012 йилгача узайтириш бўйича битим имзоланди¹⁷.

Наманганда “Кока-Кола” компанияси билан ҳамкорликда яхна ичимликлар ишлаб чиқариш заводи қурилди. Бундан ташқари, АҚШнинг ТЕКСАКО компанияси ҳамкорлигида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида мойлаш ёғлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

И.Каримов 1996 йил 23-28 июнь кунлари АҚШга расмий ташриф билан борди ва АҚШ Президенти Б.Клинтон билан учрашди. Бу учрашувда икки давлат манфаатига дахлдор бўлган сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик масалалари муҳокама этилди. 1996 йил 25 июнда Ўзбекистоннинг АҚШда элчихонаси очилди.

АҚШда Ўзбекистонлик 451 нафар иқтидорли ёшлар бозор иқтисодиёти шароити, уни бошқариш бўйича таҳсил олиб келди¹⁸.

Маълумот учун: 2001 йил 11 сентябрь Сешанба кунини АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги 110 қаватли Жаҳон савдо маркази, Манхеттендаги кўп қаватли бино, Вашингтондаги АҚШ қуролли кучлари – Пентагон биносининг бир қисми террорчилар эгаллаб олган самолётда портлатилди.

2001 йил 5 октябрь кунини И.Каримов АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфельдни қабул қилди.

АҚШнинг Афғонистондаги толибон ҳаракати ва террорчи гуруҳларга қарши қуролли ҳужумида Ўзбекистоннинг позитсияси қуйидагича:

¹⁶ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. 2002. Т.3. Б. 678.

¹⁷ Ўша жойда. Б. 678.

¹⁸Халқ сўзи // 1997 й. 1 январь.

1. Мамлакатимиз ҳудудини АҚШнинг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериши.
2. Ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйлиши.
3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган битта ҳарбий аэродромга АҚШнинг транспорт самолёт ва вертолётларини қўниши учун рухсат этиши. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолияти учун тегишли шароит яратиб бериши.
4. АҚШнинг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириши ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Шунингдек, Ўзбекистон иккита муҳим масала бўйича ўз принсипиал қарашларини баён этади:

1. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.
2. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди (ЎЗР Президенти И.Каримов баёноти)¹⁹.

АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий ҳаво кучлари 2001 йилнинг 7 октябрь яқинда кечасида Афғонистондаги толибон ҳаракати ва террорчи гуруҳларга қарши “Енгилмас озодлик” деб номланган ҳужум операциясини бошлади. Шу кун 50 дан ортиқ қанотли ракета ва бомбалар билан Қобул, Жалолобод, Қандаҳор, Ҳиротдаги терроризм ўчоқлари бомбардимон қилинди.²⁰

2002 йил 11-14 март кунлари Президент Ж.Бушнинг таклифига биноан И.Каримов АҚШда расмий ташриф билан бўлди. Бу ташриф давомида АҚШ – Ўзбекистон алоқаларига доир бир неча ҳужжат имзоланди. АҚШ ҳукумати халқаро терроризмга қарши курашда қўшган ҳиссаси учун И.Каримовни “Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби” мукофоти билан тақдирлади.

Канада Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олган ва 1992 йил 7 апрелда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар

¹⁹Халқ сўзи // 2001й. 6 октябрь.

²⁰Ёвузликка зарба // Халқ сўзи. 2001й. 9 октябрь.

ўрнатилган. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар 1996 йилдан кенгая бошлади. 1998 йилда Ўзбекистон Канадага хизматлар, қора металл ва ундан ясалган буюмларни экспорт қилган бўлса, Канададан электр асбоб-ускуналари, пластмасса, ойна, полиграфия саноати маҳсулотлари, сут, гўшт ва балиқ маҳсулотлари сотиб олади. 1999 йил якуни бўйича мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 15,68 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Канадага экспорт кескин ўсиб, ижобий салдо 6,77 млн. АҚШ долларига йетди. 1999 йил 17 июнда иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида иккиёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва сармоя солиғи тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳақида конвенция имзоланди. Навоий вилоятидаги Тандир майдонини геологик жиҳатдан биргаликда ўрганиш тўғрисида 1998 йил октябрда Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан “Хеброн Фиорд Ресурсес Инк” компанияси ўртасида тузилган шартномада Канада томони салкам 4,5 млн. АҚШ доллари сарфлаши кўзда тутилган. Компания мутахассислари белгиланган иш дастурини бажаришга киришди. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Канаданинг “Партт энд Уитни” компанияси билан Ил-114 самолётлари учун PW-127 двигателларини йетказиб бериш соҳасида бевосита ҳамкорлик қила бошлади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Канаданинг “Нортель Телеком” компанияси билан 1993 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётир. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Канаданинг бир қанча молия муассасалари билан алоқа ўрнатган. Икки мамлакат ўртасида таълим, фан-техника соҳасида, жумладан, бир-бирларига талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар ва мутахассислар юбориш, уларнинг малакасини ошириш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикасида 2000 йил бошида канадалик сармоядорлар иштирокидаги 13 корхона рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси ва Лотин Америкаси²¹ давлатлари ҳамкорлиги

²¹ **Лотин Америкаси** (испанча - America Latina) — Шим. Американинг жан. қисмида, Рио-Браво-дель-Норте дарёсидан жан.да (*Марказий Америка* ва *Вест-Индия* б-н бирга) ва *Жанубий Америкада* жойлашган

Аргентина Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1993 йил 9 сентябрда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Бразилия Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1993 йил 30 апрелда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 2009 йилнинг 27 – 29 май кунлари Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Силванинг таклифига биноан бу давлатга расмий ташриф буюрган. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бразилия Федератив Республикаси ўртасида Қўшма Декларация қабул қилинган. Бундан ташқари, икки давлат ҳукуматлари ўртасида техникавий ҳамкорлик, савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик, дипломатик паспорт эгаларининг визасиз кириб-чиқиши тўғрисида, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Венесуела Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 21 январда тан олган ва 1996 йил 26 апрелда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Гаяна Кооператив Республикаси (*пойтахти - Жоржтаун*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 1 августда тан олган.

Коста-Рика Республикаси (*пойтахти – Сан-Хосе*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган ва 2001 йил 7 июнда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Куба Республикаси (*пойтахти – Гавана*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 20 январда тан олган.

Мексика Қўшма Штатлари (*пойтахти – Мехико*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 16 мартда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Панама (*пойтахти – Панама*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган.

мамлакатларнинг умумий номи. Умумий майд. 20,5 млн. км². Лотин Америкасида *Антигуа ва Барбуда, Багама Ороллари, Барбодос, Белиз, Гаити, Гватемала, Гондурас, Гренада, Доминика, Доминикана Республикаси, Коста-Рика, Куба, Мексика, Никарагуа, Панама, Сальвадор, Сент-Винсент ва Гренадина, Сент-Китс ва Невис, Сент-Люсия, Тринидад ва Тобаго, Ямайка, Аргентина, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Гайана, Колумбия, Парагвай, Перу, Суринам, Уругвай, Чили, Эквадор* (жами 33 та) давлатлари ва Буюк Британия, Франция, Нидерландия ҳамда АҚШ мулклари жойлашган. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2003. Т.5. Б. 315-316.

Перу Республикаси (*пойтахти – Лима*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1999 йил 22 декабрда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Уругвай (*пойтахти – Монтевидео*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1998 йил 25 майда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Чили (*пойтахти – Сантяго*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 18 мартда тан олган ва 1999 йил 15 сентябрда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Еквадор (*пойтахти – Кито*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган.

Ямайка (*пойтахти – Кингстон*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олган ва 1996 йил 8 августда икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Европа ҳақида географик маълумотлар²² Рақамлар ва фактлар

Европанинг узунлиги:

шимолдан жанубга – 4050 км

ғарбдан шарққа – 4530 км

Майдони (*Россиянинг Европа қисми билан биргаликда*): -

10,5 млн. км²

шаҳар аҳолиси – 74,9%

қишлоқ аҳолиси – 25,1%

Аҳоли зичлиги:

ўртача – 1 км²га 65,4 киши

энг кўп – 1 км²га 16,4 минг киши (*Монако*)

энг кам – 1 км²га 2,7 киши (*Исландия*)

Аҳолининг табиий ўсиши:

ўртача – - 0,01%

энг кўп – 1,25% (*Албания*)

энг кам – - 0,68% (*Украина*)

Кутилаётган умрнинг узунлиги:

ўртача – эркаклар – 68,7 йил

аёллар – 77 йил

энг узок – эркаклар – 80,6 йил (*Андорра*)

²² Страны мира и международное организации. Москва. 2004. С. 8.

ЭНГ КАМ –

Саводлилик (ўртача) –

Йирик давлат:

Майдони бўйича –

Аҳоли бўйича –

Энг кичкина давлат:

Майдони бўйича –

Аҳолиси бўйича –

Аҳоли сони жихатдан энг катта шаҳар:

аёллар – 86,6 йил (*Андорра*)

эркаклар – 60,4 йил (*Молдавия*)

аёллар – 69,3 йил (*Молдавия*)

98%

Украина, 603,7 минг км²

Германия, 83,25 млн. к. (2002)

Ватикан, 0,44 км²

Ватикан, 900 киши (2002)

Москва (*Россия*), 10357,8

минг к. (2002)

Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа мамлакатлари томонидан эътироф этилиши, ҳамкорлик фаолияти

Буюк Британия Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 18 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистон 1992 йилда жаҳон пахта савдоси меъёрлари ва қоидаларини мувофиқлаштириб турувчи муҳим ноҳукумат ташкилоти – Ливерпуль пахта уюшмасига аъзо бўлди.

1993 йил 22-25 ноябрь кунлари Президент И.Каримов Буюк Британияга расмий ташриф билан борди ва мамлакат қироличаси элизавета ИИ, бош вазир Жон Мейжор билан учрашди.

1994 йил 14 октябрда Лондондаги асл металллар бозори уюшмаси Зарафшон аффинаж (олтин тозалаш) заводига энг мақбул олтин қуймалар мақомини тасдиқловчи сертификат берди, бу эса Ўзбекистоннинг тамғаси бутун дунёда энг юқори сифат белгиси эканлигини билдиради. Дунёда энг катта Буюк Британия-АҚШ тамаки компаниялари билан ҳамкорликда Тошкент 1994 йилда ва Самарқандда 1997 йилда тамаки фабрикалари ишга туширилган (ЎзБАТ қўшма корхонаси). “Лонро” компанияси олтин қазиб олиш бўйича, “Дойче Морган Гренфен” компанияси Фарғона “Азот” ишлаб чиқариш корхонасида карбамид, аммиак ва меламина ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик қилмоқда. 1997 йилдан Ўзбекистон Буюк Британиянинг РЖ-85 самолётларини сотиб ола бошлади.

1996 йил якунларига кўра, Буюк Британия Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан товар айланмаси ҳажми бўйича 2-ўринда туради (Германиядан кейин).

2003 йилда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида ўзаро савдо ҳажми 356 млн. АҚШ долларини, 2004 йилда эса 453,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган²³.

Ўзбекистонда Буюк Британия сармояси иштирокида 115 та корхона мавжуд, шундан 34 тасида инглиз капитали 100 фоизни ташкил этади. Буюк Британиянинг 35 та фирмаси ваколатхонаси расмийлаштирилган²⁴.

²³ Халқ сўзи // 2005й. 9 июнь.

²⁴ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005. Б. 163-164.

Ирландия (*пойтахти - Дублин*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1997 йил 7 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистонда ирландиялик сармоядорлар иштирокида 9 корхона фаолият кўрсатади, шундан 2 таси ирланд сармояси 100 фоиз бўлган корхонадир.

Франция Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 3 январда тан олди ва 1992 йил 21 февралдан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1992 йил июнда Тошкентда Франция элчихонаси, 1995 йил мартда эса Парижда Ўзбекистон элчихонаси очилди.

1993 йил 28-30 октябрь, 1996 йил апрель ойлари Президент И.Каримов расмий ташриф билан Францияда бўлди. 1994 йил апрелида Франция Президенти Ф.Миттеран расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокидаги 15 қўшма корхона мавжуд, улардан 2 таси 100 фоиз франсуз сармояси асосида.

ГФР (*пойтахти - Берлин*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрида тан олди ва 1992 йил 6 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди (*Ўзбекистоннинг Фарбий Европадаги биринчи элчихонаси 1993 йил Бонн шаҳрида очилган*). Берлин ва Тошкентда икки давлат элчихоналари фаолият кўрсатмоқда. 2005 йилгача икки давлат ўртасида 5 марта олий даражадаги ташрифлар бўлиб ўтди. И.Каримов ГФРга 3 марта – 1993 (апрель-май), 1995 (14-16 ноябрь) ва 2001 (2-5 апрель) йилларда расмий ташриф буюрди. ГФР томонидан 1995 йилда Федерал Президент Роман Гертсог ва 2002 йил Федерал Канслер Герхард Шрёдер ташриф буюришди.

Германия банклари инвестицияларига Кўнғирот сода заводи қурилиб ишга туширилди, “Бенклер банк” инвестициясига Фарғона фуран бирикмалари заводида селлюлоза, 2000 йилда Тошкентда “Хобас-Тапо” қўшма корхонасида нометалл қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, Ангренда каолин ишлаб чиқариш фабрикаси қурилди. Бундан ташқари, Германия банклари инвестициясига Хоразм вилояти қишлоқ жойларини сув билан таъминлаш бўйича ҳам катта лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Макроиктисодиёт вазирлигининг маълумотларига кўра, 1997 йилда мамлакатимизнинг дунё мамлакатлари билан ташқи савдо ҳажмлари бўйича Германия 4-ўринни (*Россия, Корея, Швейцариядан кейин*),

Европа мамлакатлари орасида эса 2-ўринни (*Швейцариядан кейин*) эгаллади²⁵. Ўзбекистон ва ГФР ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 2005 йил 326 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида Германиянинг 40 та фирма ва компанияси ваколатхоналари расмийлаштирилган.

Австрия Республикаси (*пойтахти - Вена*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 15 январда тан олган. 1992 йил 25 мартдан бошлаб дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1998 йил май ойида Австрия Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ўзбекистонда аккредитация қилинган. Ўзбекистон Президенти И.Каримов 1992 йилнинг 18-20 сентябрида Австрияга расмий ташриф қилган. И.Каримовнинг иккинчи расмий ташрифи 2001 йилнинг 10-12 декабрида бўлиб ўтди ва унда Австриянинг ўша даврдаги федерал Президенти В.Шюссел ва ташқи ишлар, молия вазирлари билан музокаралар ўтказилди. Ўзбекистонда Австриянинг савдо, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маркетинг хизматлари ва бошқа соҳалар бўйича 11 фирмаси ваколатхоналари мавжуд²⁶. Икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларини тартибга солувчи 12 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар ҳозирги кунда Ўзбекистон-Австрия муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этади²⁷.

Италия (*пойтахти - Рим*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 10 январда тан олди ва шу йилнинг 24 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1996 йил июнь ва 2000 йил ноябрь ойларида И.Каримов Италияга расмий ташриф буюрди. 1997 йил майида Италия Президенти Луиджи Скальфаро расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон билан товар айланмаси ҳажми жиҳатидан Италия 10-ўринда, ЕИ мамлакатлари орасида 3-ўринда (*ГФР ва Б.Брит.дан кейин*)²⁸. Ҳозирги кунда италияликлар билан ҳамкорликда 49 қўшма корхона ташкил этилган ва улардан 5 таси 100 фоиз Италия сармоясига ташкил этилган.

Белгия қироллиги (*пойтахти - Брюссель*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олган ва 1992 йил 10 мартда дипломатик

²⁵Ўша жойда. Б. 170.

²⁶Ўша жойда. Б. 152.

²⁷Ўша жойда. Б. 152.

²⁸Ўша жойда. Б. 180

муносабатлар ўрнатилган. 1996 йилда Белгия делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Президент И.Каримов 1996 йил 12-14 ноябрда Белгия қироллигига расмий ташриф буюрди. Ўзбекистон Президенти билан Белгия бош вазири ўртасида қўшма сиёсий Декларация имзоланди. 1998 йил 17-18 апрель кунлари Белгия бош вазири Жан-Люк Дехане Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди.

Дания қироллиги (*пойтахти – Копенгаген*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 25 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистонда Дания сармоядорлари иштирокида 6 корхона, жумладан, Дания сармояси 100 фоиз бўлган 2 корхона мавжуд. (*Давлат бошлиқ – 1972-йилдан қиролича Маргарет II*).

Нидерландия қироллиги (*пойтахти - Амстердам*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 24 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. И.Каримов 1993 йилда Нидерландияга ташриф буюрган. Ўзбекистонда голланд сармояси иштирокидаги 10 корхона рўйхатга олинган, шундан 7 тасида 100 фоиз голланд сармоясини ташкил қилади. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида Нидерландиянинг 7 фирмаси ўз ваколатхонасини очган.

Норвегия Қироллиги (*пойтахти - Осло*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олди ва шу йилнинг 10 июнида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Финляндия (*пойтахти – Хельсинки*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олди ва 1992 йил 26 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. (*давлат тузуми – 1919 йилдан буён республика*).

Швеция (*пойтахти – Стокгольм*) қироллиги Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 16 январда тан олди ва шу йилнинг 8 апрелида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Швейцария Конфедерацияси (*пойтахти – Берн*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 23 декабрда тан олди ва 1992 йил 7 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Испания қироллиги (*пойтахти - Мадрид*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1992 йил 17 мартда дипломатик

муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистонда испан сармояси иштирокида 11 корхона ташкил этилган.

Португалия (*пойтахти - Лиссабон*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 16 январда тан олди ва шу йилнинг 12 августидан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1996 йил 2-3 декабрда И.Каримов Португалияда расмий ташриф билан бўлди ва бир неча ҳамкорлик шартномалари тасдиқланиб, уни ҳаётга тадбиқ этиш давом этмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШАРҚИЙ ЕВРОПА
ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН
ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ ҲАМКОРЛИГИ**

**Ўзбекистон Республикасининг Шарқий Европа мамлакатлари билан
сиёсий ҳамкорлиги**

Албания Республикаси (*пойтахти - Тирана*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 4 январда тан олди ва 1993 йил 23 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Болгария (*пойтахти - София*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олди ва шу йилнинг сентябрида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1998 йил октябрда Президент И.Каримов Болгария Республикасига расмий ташриф билан борди ва Президент Петр Стоянов билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида бир неча битимлар тузилди.

Босния ва Герцоговина Республикаси (*пойтахти - Сараево*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 13 апрелда тан олди ва 1996 йил 14 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ватикан Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 1 февралда тан олди ва шу йилнинг 17 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Венгрия (*пойтахти - Будапешт*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олди ва 1992 йил 3 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1997 йил октябрь ойида Венгрия Президенти Арпада Генс Ўзбекистонга ташриф буюрди, бу давлат билан ўзаро ҳамкорлик, дўстона муносабатлар тўғрисида декларация имзоланди.

Греция (*пойтахти - Афина*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олди ва 1992 йил 16 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. И.Каримов 1997 йил 31 март – 2 апрелда Грецияга расмий ташриф буюрди.

Македония Республикаси (*пойтахти - Скопје*) ва Ўзбекистон ўртасида 1994 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Польша (*пойтахти - Варшава*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди ва 1992 йил 19 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1995 ва 2003 йил 10-12 июль кунлари И.Каримов Польшага,

Польша Президенти Александр Квасневский 2002 йилда Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган. 1996-йилда Тошкентда Польша элчихонаси очилган.

Руминия (*пойтахти - Бухарест*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991-йил 20-декабрда тан олди ва 1995 йил 6 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1996 йил И.Каримов Руминияга расмий ташриф буюрган. 2003 йил апрелда Руминия Президенти Ион Илиеску Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Сербия ва Черногория (*пойтахти - Белград*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олди ва 1995 йил 18 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Словакия (*пойтахти - Братислава*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 24 январда тан олди ва 1993 йил 1 январдан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1997 йил январда И.Каримов Словакияга ташриф буюрган. 2003 йил мартда Словакия Президенти Р.Шустер Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Словения Республикаси (*пойтахти - Любляна*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди ва 1995 йил 16 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 2005 йил 15-16 мартда Президент И.Каримов Словения президентининг таклифига биноан икки кунлик расмий ташриф билан Словенияда бўлди ва Словения президенти Янез Дрновшек билан учрашди.

Кипр (*пойтахти - Никосия*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 27 декабрда тан олди ва 1997 йил 30 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Хорватия (*пойтахти - Загреб*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олди ва 1995 йил 6 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Чехия (*пойтахти - Прага*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 24 январда тан олди ва 1993 йил 1 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил Тошкентда Чехия савдо ваколатхонасини очди ва у 1994 йилнинг 1 ноябрида Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонасига айлантирилди. 1997 йил 14-16 январда Президент И.Каримов Чехияга расмий ташриф қилди. Чехия Президенти Ватслав Клаус 2004 йил 8-10 сентябрда Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлди.

Ўзбекистон Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатларининг аксарияти билан алоҳида дипломатик муносабатлар ўрнатиш билан биргаликда, БМТнинг турли ихтисослашган бўлимлари, ЕХХТ, ЕИ, Европа реконструкция ва тараққиёт банки, Интерпол ва бошқа минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам фаол иштирок этмоқда.

ЕИнинг ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий ҳажми 1992 йилдан 2003 йилгача 125,8 млн. еврини ташкил этди.

Ўзбекистон ТАСИСнинг умумий қиймати 7,2 млн. евро бўлган “Марказий Осиёнинг минтақавий нефт-газ инфраструктураси учун кичик ҳажмдаги инвестицияларни молиялаштириш” (ИНОГЕЙТ дастури); “Марказий Осиё темир йўллари коммуникацияси” (ТРАСЕКА дастури); “Ғарбий Тяншаннинг био хилма-хиллигини сақлаш”; “Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаракат режаси ва экология сиёсатини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш” (НЕАП-II) каби лойиҳаларида қатнашди (2004 йилгача). Бундан ташқари, ТАСИС лойиҳасининг “Менежерлар учун ЕИ мамлакатларида тажриба ўрганиш дастури” доирасида 2000 йилдан 2007 йилнинг бошларига қадар Ўзбекистоннинг 164 вакили Европанинг турли давлатларида тажриба ўрганиб қайтди.

Ўзбекистон Республикаси ва Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар

1997 йил декабрда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги рўйхатидан ўтган Болгария сармояси иштирокидаги 15 та қўшма корхона мавжуд бўлган. Шу йил январь-сентябрь ойларида икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 8089,6 минг АҚШ долларини ташкил этган ва Ўзбекистоннинг экспорти импортидан 825,2 минг доллар ортиқ бўлган²⁹.

1995 йилда Тошкентда Венгрия савдо ва маданият маркази ишга тушди. Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқнинг асосий қисмини Ўзбекистон пахтаси ва Венгрия буғдойи эгаллайди. Жумладан, 1996 йилда Венгрияга 25 млн. АҚШ доллари ҳажмида пахта ва пахта маҳсулотлари

²⁹ Ўша жойда. Б. 159.

жўнатилди. Венгриядан эса жами 20 млн. АҚШ доллари ҳажмида турли товарлар келтирилди.

Ўзбекистонда грек сармоясини иштирокидаги 33 қўшма корхона мавжуд.

1992 йилда Варшавада Польша ва Ўзбекистон ўртасида “Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ тўғрисида” шартнома тузилди. Ўзбекистонда 16 та корхона Польша сармоясини иштирокида фаолият юритмоқда, 2 поляк фирмаси ўз ваколатхонасини очган.

1994 йили Ўзбекистон билан Руминия ўртасида “Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида” битим имзоланган. Ўзбекистон Руминияга пахта толаси, газлама, калава ип ва турли хизматлар экспорт қилади. Руминия эса пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, мой ва ўсимлик ёғи, дори-дармонлар экспорт қилади. 2002 йил якунига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 5,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ускуналар етказиб бериш ҳақида Руминия компаниялари билан битим тузган. Руминия сармоясини иштирокидаги спиртли ичимликлар ишлаб чиқарадиган “Афсар Компани” қўшма корхонаси барпо этилган³⁰.

Ўзбекистонда Сербия ва Черногориянинг 14 та қўшма корхонаси, шундан серб сармоясини 100 фоиз бўлган 4 та корхона рўйхатга олинган. 2002 йилда икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 1,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистондан рангли металлар ва улардан тайёрланган буюмлар, механика асбоб-ускуналари, ип-газлама ва калава ип, хизматлар экспорт қилинди. Сербия ва Черногориядан тош ва гипс, дори-дармон, мебель, керамика маҳсулотлари, транспорт воситалари ва бошқалар келтирилди.

Сербия ва Черногориянинг ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи “Прогресс”, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ва сотишга асосланган “Компания БК”, лойиҳалаш ва қуриш ишлари комплексини амалга оширувчи “Энергопроект холдинг” фирмаларининг ваколатхоналари фаолият юритади. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан Сербия ва Черногориянинг авиация компанияси ўртасида тузилган битимга мувофиқ, 2003 сентябрдан “Тошкент – Белград – Нью-Йорк” йўналиши

³⁰ Ўша жойда. Б. 202.

бўйлаб ҳафтасига 2 марта бориб келадиган тижорат рейслари амалга оширилмоқда³¹.

2003 йил мартда Словакия Президенти Р.Шустер Ўзбекистонга ташрифи чоғда имзоланган икки томонлама солиқ олиш ва мулкдан келадиган даромаддан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан Словакия “Эксимбанк”и ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган.

Ўзбекистон ва Словения ҳукуматлари ўртасида автомобильда йўловчи ва юкларни ташиш тўғрисида, икки мамлакат савдо-саноат палаталарининг ҳамкорлиги тўрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан Словениянинг Новолубяна банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган.

Ўзбекистон ва Чехиянинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги икки давлат ўртасидаги “Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида”ги Битимга асосан ривожланмоқда. 2003 йил икки давлат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 39,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди (19,8 млн. доллари экспорт ва 19,7 млн. доллари импорт). Ҳозирда Ўзбекистонда 28 та ўзбек-чех қўшма корхоналари мавжуд.

Таълим соҳасида ҳар йили Чехия ҳукумати Ўзбекистон талабаларига Чехия олий таълим муассасаларида ўқиш учун бешта стипендия ажратиб келмоқда.

2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон ФА Археология институти Прага университетининг Карлова номидаги классик археология институти билан Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари антик маданиятини ўрганиш йўлида ҳамкорлик қилқб келмоқда³².

³¹ Ўша жойда. Б. 204.

³²Ўша жойда. Б. 219.

Африка ҳақида географик маълумотлар
Рақамлар ва фактлар

Африканинг узунлиги:

<i>шимолдан жанубга</i> –	8000 км
<i>ғарбдан шарққа</i> –	7000 км
Майдони: -	29,2 млн. км ² , ороллар б-н 30,3 млн. км ²
шаҳар аҳолиси –	37,8%
қишлоқ аҳолиси –	62,2%
Аҳоли зичлиги:	
ўртача –	1 км ² га 27,8 киши
энг кўп –	1 км ² га 1500 киши (<i>Нил водийсида</i>)
энг кам –	1 км ² га 0,9 киши (<i>Ғарб. Сахарада</i>)
Аҳолининг табиий ўсиши:	
ўртача –	2,3%
энг кўп –	3,5% (<i>Сан-Том ва Принсипи</i>)
энг кам –	0,05% (<i>Зимбабве</i>)
Кутилаётган умрнинг узунлиги:	
ўртача –	эркаклар – 53,2 йил аёллар – 56,2 йил
энг узок –	эркаклар – 73,3 йил (<i>Ливия</i>) аёллар – 78,1 йил (<i>Ливия</i>)
энг кам –	эркаклар – 53,2 йил (<i>Ботсвана</i>) аёллар – 34,6 йил (<i>Мозамбик</i>)
Саводлилиқ (ўртача) –	56%
Йирик давлат:	
<i>Майдони бўйича</i> –	Судан, 2505,8 минг км ²
<i>Аҳоли бўйича</i> –	Нигерия, 129,9 млн. к. (2002)
Энг кичкина давлат:	
<i>Майдони бўйича</i> –	Сейшел ороллари, 455 км ²
<i>Аҳолиси бўйича</i> –	Сейшел ороллари, 80,1 минг к.
(2002)	
Аҳоли сони жihatдан энг катта шаҳар:	Қоҳира (<i>Миср</i>), 9,59 млн к. (2001), шаҳар атрофи б-н 10,8 млн к. (2000)

Африка ҳудудида 53 та давлат жойлашган, улардан 2 таси қарам ҳудудлар – Реюньон, Муқаддас Елена ороли ва 2 таси алоҳида мақомга эга бўлган (*Ғарбий Саҳрои Кабир* – БМТнинг тегишли қарори асосида тартибга солинади; *Майотта Франциянинг “ҳудудий бирлиги” статусига эга*) ҳудудлардир. Бошқарув тизимига кўра 49 та республика (жумладан 2 та федератив – Нигерия, Эфиопия), 3 та конституцион монархия (Лесото, Марокаш, Свазиленд) ва 1та жамоҳирия (халқ оммаси давлати: Ливия). 18 та

давлат Буюк Британия бошқарадиган Ҳамдўстлик таркибига киради. Африка аҳолисининг ирқий ва этник таркиби мураккаб. Аҳолисининг ярмидан кўпроғи негроид ирқига мансуб. Африкада 300 дан 500 гача халқлар яшайди, улардан кўпи билан 100 га яқин халқлар аҳолисининг ҳар бири 1 млн. кишидан ошади ва улар бутун Африка аҳолисининг 90 фоизини ташкил қилади. Материкнинг шимоли ва шимолий-шарқда аҳолининг кўп қисми (араблар, берберлар, амхаралар, оромолар, сомалиликлар) – афроосиё (семит-хамит) тил оиласи вакиллари дир. Сахрои Кабирдан жанубда яшовчи аҳоли (нигеро-кордофа, фульбе, малинке, мослар, йоруба, ибо, руанда, конго, рунди ва бошқалар) асосан конго-кордофа тилларида, нил-сахро (сонгаи, канури, луо, дикка, нубий ва бошқа халқлар) ва койсан (бушменлар, готтентотлар ва бошқалар) тилаарида сўзлашадилар. Африканинг кўгина давлатларида араб, француз, инглиз, испан ва португал тиллари расмий тил ҳисобланади. Қолган давлатларида расмий тил сифатида юқорида санаб ўтилган маҳаллий аҳоли тилларнинг алоҳида гуруҳларидан фойдаланилади. Диний эътиқодига кўра, Африка аҳолисининг 40 фоизга яқини – христианлар, 35 фоизи – мусулмонлар, 10 фоиздан ортиғи – маҳаллий анъанавий эътиқодлар тарафдорлари дир³³.

Ўзбекистон Республикасининг Африка давлатлари билан сиёсий хамкорлиги

Африкада 53 та давлатдан 31 таси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган ва 15 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган³⁴.

Ангола Республикаси (пойтахти - Луанда)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Бенин Республикаси (пойтахти – Порто-Ново) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 14 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

³³ Страны мира и международное организации. Москва. 2004. С. 64.

³⁴ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005. Б. 94 -150.

Ботсвана Республикаси (пойтахти - Габороне) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Буркина-Фасо (1984 йилгача Юқори Волта Республикаси) (пойтахти - Уагадугу) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 25 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Бурунди Республикаси (пойтахти - Бужумбара) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Габон Республикаси (пойтахти - Либревиль) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 10 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Гамбия Республикаси (пойтахти - Банжул)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Гана Республикаси (пойтахти - Аккра) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 22 апрелда тан олган ва 1993 йил 28 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Гвинея Республикаси (пойтахти - Конакри) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 9 январда тан олган ва 1993 йил 24 июнда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Гвинея-Бисау Республикаси (пойтахти – Бисау)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Жазоир Демократик Республикаси (пойтахти – Жазоир ш.) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олган ва 1992 йил 30 июнда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчиси 1995 йилдан бери ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Жазоирдаги элчиси вазифасини адо этиб келмоқда. Тошкентда Жазоир элчихонаси ўз фаолиятини 1993 йилнинг декабрида бошлаган. 2001 йилда Ҳасан Лакерий Жазоирнинг мамлакатимиздаги элчиси сифатида Президент И.А.Каримовга ишонч ёрлиғини топширган.

Жанубий Африка Республикаси (пойтахти - Претория) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992-йил 10-январда тан олган ва шу йилнинг 12-августидан дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Жибути Республикаси (пойтахти – Жибути ш.) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 17 февралда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Замбия Республикаси (пойтахти - Лусака) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 10 январда тан олган ва 1994 йил 1 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Зимбабве Республикаси (пойтахти - Хараре) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 27 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Кабо-Верди Республикаси (пойтахти - Прая) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 16 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Камерун Республикаси (пойтахти - Яунде)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Кения Республикаси (пойтахти - Найроби)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Конго Демократик Республикаси (поутахти - Киншаса)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Конго Республикаси (поутахти - Браззавил)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Кот-Д'Ивуар Республикаси (пойтахти - Ямускро)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Лесото Қироллиги (пойтахти - Масеру) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 29 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Либерия (пойтахти - Монровия)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Ливия Араб Социалистик Халқ Жамаҳирияси (халқ оммаси давлати) (пойтахти - Триполи) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Маврикия Республикаси (пойтахти – Порт-Луи)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Мавритания Ислом Республикаси (пойтахти - Нуакшот)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Мадагаскар (пойтахти - Антананариву) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 4 апрелда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Малави Республикаси (пойтахти - Лилонгве)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Мали Республикаси (пойтахти - Бамако) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 24 январда тан олган ва 1997 йил 13 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Марказий Африка Республикаси (поутахти - Банги)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Марокаш (Ал-Мамлака ал-Мағрибия ёки Ал-Мағриб ал-Акса) (поутахти - Работ) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 13 декабрда тан олган ва 1993 йил 11 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Миср Араб Республикаси (пойтахти - Қоҳира) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда эътироф этган ва 1992 йил 23 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1993 йил май ойида Тошкентда Миср Араб Республикаси элчихонаси очилди. Бу Ўзбекистонда очилган биринчи араб дипломатик ваколатхонаси ҳисобланади. 1994 йил декабрда Қоҳирада Ўзбекистон элчихонаси ўз фаолиятини бошлади *(1995 йил октябрда расман очилди)*³⁵.

1992 йил 15-17 декабрь кунлари И.Каримов Мисрга расмий ташриф буюрди. Ташриф давомида Ўзбекистон – Миср ўртасидаги ҳамкорлик асослари, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, иқтисодий, техникавий ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, ҳаво йўли ва транспортда юк ташиш ҳақида битимлар имзоланди. 2007 йил апрель ойида ҳам И.Каримов Мисрга расмий ташриф буюрган. Бу ташриф чоғида турли соҳалар бўйича қатор битимлар имзоланган.

³⁵Ўша жойда. Б. 129.

Мозамбик (пойтахти - Мапуту) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Намибия (пойтахти - Виндхук) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда эътироф этган ва 1999 йил 17 августда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Нигер Республикаси (пойтахти - Ниамей)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Нигерия Федератив Республикаси (пойтахти – Абужа) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 11 мартда эътироф этган ва шу йилнинг 28 августда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Руанда Республикаси (пойтахти - Кигали)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси (пойтахти – Сан-Томе ш.)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Свазиленд Қироллиги (пойтахти - Мбабане)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Сейшел Ороллари Республикаси (пойтахти - Виктория)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Сенегал Республикаси (пойтахти - Дакар) Ўзбекистон мустақиллигини 1995 йил 6 октябрда эътироф этган ва шу куни дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Сомали Демократик Республикаси (пойтахти - Могадишо)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Судан Республикаси (пойтахти - Хартум) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Серра-Леоне Республикаси (пойтахти - Фритаун) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 21 декабрда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Танзания Бирлашган Республикаси (пойтахти – Доруссалом)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Того Республикаси (пойтахти - Ломе) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1993 йил 10 ноябрда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Тунис Республикаси (пойтахти – Тунис ш.) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда эътироф этган ва 1992 йил 26 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Уганда Республикаси (пойтахти - Кампала)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Чад Республикаси (пойтахти – НъДжамена) Ўзбекистон мустақиллигини 1993 йил 12 январда эътироф этган ва 1994 йил 16 сентябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Экваториал Гвинея Республикаси (пойтахти - Малабо) Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 17 январда тан олган, дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Эритрея Республикаси (пойтахти - Асмера)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Эфиопия Халқ Демократик Республикаси (пойтахти – Аддис-Абеба) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 январда эътироф этган ва 1996 йил 15 июлда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Ғарбий Саҳрои Кабир (пойтахти – Ал-Аюн)нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Реюньон (пойтахти - Сен-Дени) нинг Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлари ҳақида маълумот йўқ.

Ўзбекистон Республикаси ва Африка давлатлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар

2004 йилда Ўзбекистон ва Жазоир ўртасидаги савдо айирбошлаш ҳажми 18,4 минг АҚШ долларига тенг бўлган. Ўзбекистонда жазоирлик сармоядорлар иштирокида 2 та корхона ташкил этилган. Икки мамлакат ўртасида имзоланган “Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжат”га қўшимча равишда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки ёқлама солиқ

солинишига йўл қўймаслик, божхона иши соҳасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида битимлар мавжуд. Бундан ташқари, икки давлат ўртасида таълим, илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам муносабатлар йўлга қўйилган. Бугунги кунда Ўзбекистон олий ўқув юртлирида бир неча жазоирлик талаба ўқимокда.

1993 йил 17 сентябрда Ўзбекистон – Миср ўртасида дин ва вақф ишлари соҳасида ҳамкорлик баённомаси имзоланди. 1993 йилдан бери Миср Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида МДХ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси томонидан турли соҳалар намоёндалари учун ташкил этилган курсларда 300 дан зиёд ўзбекистонлик мутахассис ўз малакасини оширди.

1995 йил майида Мисрнинг ал-Азҳар университети ва ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзМУ ва Қоҳира университетлари ўртасида илмий ва ўқув соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. 1997 йилдан “Ўзбекистон - Миср”, 2000 йил майидан “Миср - Ўзбекистон” дўстлик жамиятлари фаолият кўрсатмокда.

2006 йилда Ўзбекистон – Миср ўртасида ўзаро товар айирбошлаш 3,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Осиё ҳақида географик маълумотлар³⁶

Рақамлар ва фактлар

Осиёнинг узунлиги:	
<i>шимолдан жанубга</i> – км	8 минг км атрофида, ороллар б-н 10,5 минг км
<i>ғарбдан шарққа</i> – км	10 минг км атрофида, ороллар б-н 12,5 минг км
Майдони (Россиянинг Осиё қисми билан биргаликда): -	44,4 млн. км ²
шаҳар аҳолиси –	37,6%
қишлоқ аҳолиси –	62,4%
Аҳоли зичлиги:	
ўртача –	1 км ² га 84,7 киши
энг кўп –	1 км ² га 6742 киши (<i>Сингапур</i>)
энг кам –	1 км ² га 1,72 киши (<i>Монголия</i>)
Аҳолининг табиий ўсиши:	
ўртача –	1,1%
энг кўп –	3,40% (<i>Яман</i>)
энг кам –	- 0,35% (<i>Грузия</i>)
Кутилаётган умрнинг узунлиги:	
ўртача –	эркаклар – 62,8 йил аёллар – 66,4 йил
энг узок –	эркаклар – 77,7 йил (<i>Япония</i>) аёллар – 84,2 йил (<i>Япония</i>)
энг кам –	эркаклар – 47,3 йил (<i>Афғонистон</i>) аёллар – 45,8 йил (<i>Афғонистон</i>)
Саводлилиқ (ўртача) –	71%
Йирик давлат:	
<i>Майдони бўйича</i> –	Хитой, 9598 минг км ²
<i>Аҳоли бўйича</i> –	Хитой, 1304,8 млн. к. (2002)
Энг кичкина давлат:	
<i>Майдони бўйича</i> –	Мальдив, 298 км ²
<i>Аҳолиси бўйича</i> –	Мальдив, 320,2 минг киши (2002)
Аҳоли сони жихатдан энг катта шаҳар:	Токио (<i>Япония</i>), 8,13 млн к. (2000)

Осиё ҳудудида 48 та (Россия Федерацияси билан) ва иккита ҳудуд алоҳида статус (Ҳинд океанидаги Британия ва Фаластин ҳудудлари). Бошқарув тизимиغا кўра, 34 та республика (жумладан 4 та федератив) ва 14 та монархия (9 та конституциявий, шундан биттаси федератив давлат тузилишига эга – Малайзия; 5 та мутлоқ шундан биттаси федератив мутлоқ монархия – Бирлашган Араб Амирликлари). Осиё аҳолисининг ирқий,

³⁶ Страны мира и международное организации. Москва. 2004. С. 36.

миллий ва тил таркиби мураккаб ва хилма-хилдир. Бу ерда инсоният 4 асосий ирқнинг турли гуруҳига мансуб 2000 дан ортиқроқ тиллар ва шеваларда гаплашувчи 1000 дан ортиқ миллат ва қабиларнинг вакиллари яшайди. Осиёнинг кўп мамлакатлари кўпмиллатлидир (Ҳиндистон, Индонезия, Филиппин, Эрон, Афғонистон, Покистон, Малайзия ва бошқалар). 10 та (Озарбайжон, Арманистон, Бангладеш, Яман, Камбоджо, Хитой, КХДР, Жан. Корея, Мальдив, Япония) бирмиллатли мамлакатлар таркибига киради: буларнинг ҳар бирида асосий халқ 90 ва ундан ортиқ ғоизни ташкил қилади. Қуйидаги тил гуруҳлари ажралиб туради: хитой, ҳинд-орий (ҳиндустонликлар, бенгаллар, панжоблар, бихарлар, гуджаротлар ва бошқалар), туркийлар (турклар, ўзбеклар, озарбайжонлар, қозоқлар, уйғурлар, туркманлар, қирғизлар ва бошқалар), семитлар (араблар, Исроил еврейлари ва бошқалар), японлар. Кўпгина Осиё давлатларининг расмий тиллари аҳолининг миллий таркибига мос келади. Асосий динлар: ислом, индуизм, буддизм.

Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан халқаро алоқалари

Хитой (*пойтахти – Пекин*) Ўзбекистон мутақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди ва 1992 йил 2 январдан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1992 йилнинг 12-14 март кунлари, 1994 йил 24-25 октябрь, 1999, 2001, 2005 йил 25-27 майда Президент И.Каримов ХХРга расмий ва давлат ташрифи билан борган. ХХР раиси Ху Цзинь Тао 2004 йил июнь ойида расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

1992-1993 йилларда Хитой ажратган кредит ҳисобидан республикамизга минглаб тонна гуруч, 15 минг тонна чой келтирилди. Ўзбекистон Хитойга ИЛ-76 ва ИЛ-114 самолётларини сотмоқда. Ўзбекистонда 122 та ўзбек-хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатади, шундан 20 таси 100 ғоиз Хитой сармояси асосидаги корхоналардир.

И.Каримовнинг Хитойга 1994 йил 24-25 октябрдаги иккинчи сафари чоғида “Ўзбекистон билан ХХР ўртасида ўзаро муносабатларнинг асосий

принциплари, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида” баённома имзоланди.

2005 йил майида И.Каримов яна Хитойга расмий ташриф билан борди. Бу учрашувда Хитой Ўзбекистонга 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратадиган бўлди. Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги икки томонлама савдо ҳажми 2006 йилнинг 7 ойи мобайнида 659 минг АҚШ долларини ташкил қилган.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон ва Хитой ШХТ доирасида ҳам фаол алоқада бўлмоқда.

Маълумот учун: Хитой иқтисодий жиҳатдан дунёда АҚШ, Япония, Германия, Франция, Англия ва Италиядан кейин 7-ўринда турарди. 2006-йил Хитой иқтисодиётида 10,7 фоизга ўсиш кузатилди. Иқтисодий ривожланиш жиҳатидан Хитой АҚШ, Япония, Германиядан кейинги ўринга чиқиб олди³⁷. Хитойда чиқиндиларни қайта ишлаш яхши йўлга қўйилган. Хитой ҳар йили АҚШдан 14 млрд. долларга чиқинди сотиб олади.

Монголия (пойтахти – Улан-Батор) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 19 декабрда тан олган ва 1992 йил 25 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1977 йилдан 1994 йилгача Тошкентда Монголиянинг Бош консулхонаси ишлади. Монголия молиявий аҳволи ёмонлашганлиги муносабати билан консулхона ёпилди. Ҳозирги пайтда икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар Монголиянинг Қозғистондаги элчихонаси орқали амалга оширилади.

Корея Республикаси (пойтахти - Сеул) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган ва 1992 йил 29 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1994 йил Тошкентда Корея элчихонаси, 1996 йилда Сеулда Ўзбекистон элчихонаси очилган. Президент И.Каримовнинг Корея Республикасига 1992, 1995, 1999 йилларда расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. 2005 йил 10 майда Корея Республикаси Президенти Но Му Хён расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. 2008 йил 24 февраль куни И.Каримов Корея Республикасига янги Президент – Ли Мён Бакнинг ўз лавозимида киришиш тантаналарида иштирок этиш учун борди. 2010 йил 10-12 февраль

³⁷ Халқ сўзи // 2007 й. 30 январь.

кунлари И.Каримов Корея Республикасига расмий ташриф буюрди. Бу ташриф давомида икки давлат ўртасида Суюрғол кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини қуриш ва конини ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битим имзоланди. Икки давлат раҳбарлари бензин ва пропан ўрнини босувчи муқобил ва экологик хавфсиз манбалардан фойдаланишга ўтишни кўзда тутувчи “яшил тараққиёт” деб аталувчи соҳада ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим туздилар.

1992-1996 йилларда “ЎзДАЕВОО авто” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма автомобиль заводи қурилди. 1996 йилнинг 25 март куни завод ишга туширилди, расмий очилиши маросими 19-июлда бўлиб ўтди. Ўзбекистон жаҳонда 28 та автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг бирига айланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 80 га яқин ўзбек-корейс қўшма корхонаси ишламоқда, 19 та йирик фирма ва компаниясининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улардан энг йириклари “ЎзДАЕВОО авто”, “ЎзДАЕВОО электроникс”, “Кабул-Ўзбек компани ЛТД”, “ЎзСамсунгелектроникс” каби корхоналардир. Жанубий Кореянинг Ўзбекистонга қўйган капитали 1 млрд. АҚШ долларидан ошди. 2006 йилда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 600 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бундан ташқари Жанубий Корея Навоий эркин иқтисодий ҳудудда логистика тизимини шакллантиришда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Корея Халқ Демократик Республикаси (*пойтахти - Пхенян*) Ўзбекистон билан 1992 йил 7 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатган. Ўзбекистонда КХДР сармояси иштирокида 2 та шубба корхона ва 2 та қўшма корхона рўйхатга олинган.

Лаос Халқ Демократик Республикаси (*пойтахти - Вентян*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган ва шу йилнинг 10 сентябридан дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Вьетнам Социалистик Республикаси (*пойтахти - Ханой*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди ва 1992 йил 17 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Мьянма Иттифоқи Республикаси (*пойтахти - Янгон*) Ўзбекистон Республикаси билан 2001 йил 8 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатган.

Камбоджа қироллиги (*пойтахти - Пномпен*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 29 январда тан олди ва 1995 йил 7 сентябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Тайланд қироллиги (*пойтахти - Бангкок*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олди ва 1992 йил 6 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон-Тайланд дипломатик алоқалари Тайланднинг Россия Федерациясидаги элчихонаси орқали амалга оширилади. 1996 йил февралдан Бангкокда Ўзбекистон Бош консуллиги фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ипак саноати соҳасидаги “Силк Стар” кўшма корхонаси ва 100 фоиз Тайланд сармояси асосида “Махаража” чой қадоклаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Япония (*пойтахти - Токио*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олди ва 1992 йил 26 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1994 йил 16-19 май кунлари И.Каримов Японияга расмий ташриф билан борди.

2002 йил 28-31 июлидаги Президент И.Каримовнинг Японияга иккинчи марта ташрифи чоғида икки давлат ўртасида муҳим сиёсий ҳужжат – “Дўстлик, стратегик шериклик ва халқаро ҳамкорлик тўғрисида”ги баёноти имзоланди. Бундан ташқари, “Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида”, “Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Япония Ўзбекистонга 2005 йилгача 1,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 22 та япон компаниясининг ваколатхонаси, 8 та кўшма корхона, шундан 3 таси 100 фоиз япон сармояси асосида фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Ташқи савдо ташкилотининг, шунингдек, “Мицуи”, “Мицубиси”, “Сумимото”, “Нише Иваи”, “Ен-И-Си”, “Тойота”, “Марубени” каби йирик корпорацияларнинг ваколатхоналари очилган³⁸. 2007 йилнинг январидан бошлаб “СамКочАвто” заводида Япониянинг “Исузу” Моторс Лимитед” компанияси билан ҳамкорликда автобус ва кичик юк машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2007 йилда 1500 та турли русумдаги

³⁸ Халқ сўзи // 2006 й. 2 ноябрь.

автомобильлар ишлаб чиқарилади, кейинчалик бу миқдорни 4000 тага етказиш кўзда тутилган³⁹.

Япониянинг “Тараққиётга расмий ёрдам” дастури доирасида Ўзбекистонга 100 млн. АҚШ долларида зийдат маблағ ажратилган. Бундан ташқари, Япониянинг турли олий ўқув юртлирида 70 га яқин ўзбекистонлик талабалар таълим олмоқда.

Маълумот учун: Япония автомобильлар, кемалар, электротехника асбоблари, саноат роботлари ишлаб чиқариш, станоксозлик соҳаларида дунёда биринчи ўринда туради. Бундан ташқари, балиқ овлаш бўйича ҳам дунёда биринчи ўринда туради. Дунёнинг 15 фоиз дан ортиқ балигини овлайди ва қайта ишлайди. Дунёнинг 2 фоиз (127 млн.) аҳолисига эга бўлган Япония жаҳоннинг 13,3 фоиз маҳсулотини ишлаб чиқаради⁴⁰. Япония – парламентар монархия давлати (1947 йилдан). Давлат бошлиғи 1989 йилдан буён Император Акихито бўлиб, миллат ва халқ бирлиги рамзи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари билан алоқалари

Австралия ва Океания ҳақида географик маълумотлар⁴¹

Австралия ва Океания – Австралия материги ва Океания, Тинч океанининг маркази ва жанубий ғарбий қисмидаги ороллар мажмуи иборат региондир. Бу ерда 14 та давлат ва 18 та қарам ҳудудлар жойлашган. 11 давлат Буюк Британия бошқарувидаги Ҳамдўстлик таркибига киради, 3 та давлат АҚШ билан “эркин боғланган” давлат ҳисобланади. Австралия аҳолисининг 90% дан ортиғи келиб чиқиши европаликлар (асосан, англоавстралияликлар) ҳисобланади. Океания аҳолисини папуаслар, меланезиялик, полинезиялик, микронезиялик халқлар, англоянгизеландияликлар ва бошқалар ташкил қилади. Барча давлатларда расмий тил инглиз тили ҳисобланади, шу билан бирга: Науруда – науру, Самоада – самоа, Вануатуда – француз ва бислама (пиджин) давлат тили ҳисобланади. Диний мансублик жиҳатидан Австралия ва Океания

³⁹Халқ сўзи // 2007 й. 23 январь.

⁴⁰Халқ сўзи // 2006 й. 26, 29 август.

⁴¹Страны мира и международное организации. Москва. 2004. С. 114

аҳолисининг кўпчилиги христианлардир (протестантлар кўпчиликини ташкил этади.)

Австралия (*пойтахти - Канберра*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олди ва шу куни икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Малайзия (*пойтахти – Куала-Лумпур*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 1 январда тан олган ва шу йил 21 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1993 йилда Тошкентда Малайзия элчихонаси, 1999 йилнинг декабрида Малайзияда Ўзбекистон элчихонаси очилган. Ўзбекистонда Малайзия сармояси асосида ишловчи 18 корхона мавжуд бўлиб, улардан 3 таси 100 фоиз Малайзия сармояси асосида ишлайди. 1992 йил 16-23 июнь кунлари Президент И.Каримов Малайзия ва Индонезия Республикаларига ташриф буюрди. Бу ташриф давомида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Маълумот учун: Малайзиядан табиий каучук, какао, палма ёғи, қаламтир, ананас экспорт қилинади, автомобиль саноати ривожланган. Бу давлат жаҳоннинг 50 фоиз каучугини, 40 фоиз қалайини ишлаб чиқаради.

Индонезия (*пойтахти - Жакарта*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1992 йил 23 июндан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Индонезия 1994 йилнинг май ойида Тошкентда ўз элчихонасини очган, 1996 йилда Жакартада Ўзбекистон ўз элчихонасини очган.

1995 йил 8-10 апрель кунлари Индонезия республикаси ўша пайтдаги Президенти Сухарто расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар ниҳоясида икки давлат ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисида қўшма баённома имзоланди, сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ҳақида меморандум, икки давлат пойтахтлари оралиғида самолёт катновини йўлга қўйиш тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди. 2002 йил сентябрда икки давлат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон-Индонезия дўстлик жамияти тузилди. Бугунги кунда Самарқанд Давлат жаҳон тиллари институтида Индонезия тили ва маданияти кафедраси очилиб, индонез тили ўқитилмоқда.

Маълумот учун: Индонезия нефть маҳсулотлари, саноат газы, резина, кўмир, мис, қўرғошин, никел, балиқ маҳсулотлари, кофе ва чой экспорт қилади. 2001 йил июлда президентлик сайловларида Мегавати Сукарнопутри хоним голиб чиққан.

Бруней султонлиги (*пойтахти – Бандар-Сери-Бегаван*) Ўзбекистон мустақиллигини 1996 йил 20 июнда тан олган ва шу куни дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Сингапур (*пойтахти - Сингапур*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олган. 1997 йил 8 апрелидан икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида сармояларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим имзоланган ва у 2003 йил 15 июлдан кучга кирган. Ўзбекистон – Сингапур ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 2006 йилда 100 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Сингапур сармояси иштирокида тузилган 12 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилган.

2007 йилнинг 24-26 январь кунлари Президент И.Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натаннинг таклифига биноан ушбу мамлкатда расмий ташриф билан бўлди⁴².

Филиппин (*пойтахти - Манила*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 22 январда тан олди ва шу йил 13 апрелда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

⁴²Халқ сўзи // 2007 й. 28 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЯҚИН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикасининг Яқин Шарқ мамлакатлари билан сиёсий алоқалари

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган мамлакатдир. 1991 йил 16-19 декабрь кунлари И.Каримов Туркияга расмий ташриф билан борди ва мамлакат Президенти Турғут Ўзол билан учрашди. Бу учрашувда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги алоқаларнинг асос ва мақсадлари тўғрисида шартнома имзоланди.

1992 йил 28 апрелда Тошкентда Туркия Республикасининг элчихонаси, 1993 йил январда Анқарада Ўзбекистон элчихонаси очилди.

1993 йил 4-7 апрель кунлари Туркия Президенти Т.Ўзол Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлди. Бу ташриф чоғида “Даромад ва мол-мулкка икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисида”, “Терроризм, ғайриқонуний қурол ва гиёҳванд моддалар тарқатишга қарши кураш тўғрисида” битимлар имзоланди. 1993 йилда Ўзбекистонга 240 млн. АҚШ доллари миқдорида турли товарлар келтирилди.

2007 йилгача Самарқандда Туркиянинг “КочАвто” автомобиль заводи билан ҳамкорликда “Отайўл” автобуслари ишлаб чиқарилган. 1998 йилгача Туркия Ўзбекистонга 1,5 млрд. АҚШ доллари ҳажмида сармоя киритган. Ҳозирда 351 ўзбек-турк қўшма корхоналар барпо қилинган, улардан 71 таси 100 фоиз турк сармояси билан ташкил этилган. 1997 йилда Ўзбекистон – Туркия ўртасидаги савдо ҳажми 30 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

Саудия Арабистони (*пойтахти – Ар-Риёд*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда эътироф этган. 1992 йил 19 февралда дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида ўзаро меморандум имзоланди. 1992 йил ноябрда Жидда шаҳрида Ўзбекистоннинг консулхонаси, 1995 йил май ойида Ар-Риёдда элчихонаси очилди. 1997 йил 27 мартда эса Тошкентда Саудия Арабистони элчихонаси очилди.

1992 йил 11-13 апрель кунлари И.Каримов Саудия Арабистонида расмий ташриф билан бўлди.

1996 йил апрелда Ар-Риёда И.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, 1998 йил мартда “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарлари араб тилидаги нашрининг расмий тақдими ўтказилди.

2002 йилда Ўзбекистон –Саудия Арабистони ўртасидаги савдо ҳажми 3,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистонда Саудия Арабистони сармояси иштирокида 14 та корхона рўйхатга олинган бўлиб, улардан 4 таси 100 фоиз Саудия Арабистони сармоясига ташкил этилган.

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда эътироф этди ва 1992 йил 25 октябрда дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1992 йилнинг ноябрида Дубайда Ўзбекистоннинг консуллик ваколатхонаси очилди, кейинчалик у Бош консуликка айлантирилди.

1994 йилнинг декабрида БАА ҳукумати делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. 1997 йилда Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги савдо ҳажми 75,671 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

БАА – 7 амирликдан иборат федератив мамлакат.

Баҳрайн Давлати Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олди ва 1992 йил 29 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Баҳрайнда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг ваколатхонаси мавжуд.

Давлат тузуми – Конституциявий монархия⁴³.

Уммон султонлиги Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган ва 1992 йил 22 апрелда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Давлат тузуми – Султонлик⁴⁴.

Яман Ислом Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган ва 1992 йил 25 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Давлат тузуми – 1990 йилдан Ислом Республикаси, 1994 йилдан Қонунчилик ҳокимиятига эга.

⁴³ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005. Б. 228-229.

⁴⁴ Ўша жойда. Б. 275.

Қатар қироллиги Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил декабрда тан олган ва 1997 йил 27 ноябрдан дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Давлат тузуми – мутлақ монархияга асосланган қироллик.

Сурия Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олди ва 1992 йил 24 апрелда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Давлат тузуми – президентлик республикаси.

Ливан Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олди ва 1998 йил 22 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Давлат тузуми – парламентар республика.

Қувайт давлати Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда эътироф этган ва 1994 йил 8 июлда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги элчиси Қувайт давлатида ўриндош элчи этиб тайинланди. Қувайт давлатининг Россиядаги элчиси 1999 йил феврал ойидан Ўзбекистонда ўриндош элчи этиб тайинланди. 2001 йилда Қувайт Ўзбекистонда ўз элчихонасини очди. 2004 йил 19-20 январь кунлари мамлакат Амрининг таклифига биноан И.Каримов Қувайтда бўлди. 2005 йилда Ўзбекистон Қувайтда ўз элчихонасини очди. 1997 йилда Қувайт иқтисодий ривожланиш жамғармаси Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 18 млн. АҚШ доллари миқдорида пул ажратди. Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуасини жиҳозлаш ишларига Қувайт амири 500 минг АҚШ доллари ҳажмида молиявий ёрдам тақдим этди. Ўзбекистонда 1 та Қувайт сармояси иштирокидаги корхона мавжуд (*мебел ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган*)⁴⁵.

Давлат тузуми – Конституциявий монархия.

Фаластин Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда эътироф этган, 1994 йил сентябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

1994 йил 14-15 сентябрь кунлари Фаластин Озодлик Ташкилоти раиси Ёсир Арофат Ўзбекистонга ташриф буюрди. 1998 йил сентябрда И.Каримов Исроил давлатига ташриф пайтида Фаластин мухторияти раҳбари билан учрашди. Ўзбекистон Фаластин учун миллий кадрларни тайёрлашда ёрдам бермоқда. 1998-1999 йилларда Ўзбекистон Олий ўқув юртларида 90 нафар фаластинлик талабалар таҳсил олди.

⁴⁵Ўша жойда. Б. 250.

Давлат тузуми – собиқ Британия протекторати бўлган ушбу мамлакат ташиқил қилинишининг юридик ва ҳуқуқий мақоми БМТ Бош ассамблеясининг 1948 йил 29 ноябрдаги резолютсиясида белгилаб берилган эди. Бироқ бу ишлар амалгам олмади ва Исроил давлати тузилгандан сўнг Фаластин Мухторияти ташиқил этилди. Мамлакат республика бошқарувига эга. 2005 йилда Ё.Арофат вафот этди. Ҳозирги Фаластин раҳбари – Маҳмуд Аббос. Фаластин ҳудуди (Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо сектори) 1967 йилда Исроил томонидан босиб олинган.

Иордания Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда эътироф этди. 1993 йил 15 февралда дипломатик алоқалар ўрнатилди. 1994 йил июлда Тошкентда Иордания элчихонаси очилди. 1996 йил 24 сентябрда Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикасидаги элчиси Иорданияга ҳам ўриндош элчи қилиб тайинланди.

1996 йилда Ўзбекистон ва Иордания ўртасида масжидлар ва авлиёлар мақбараларини таъмирлаш бўйича битим имзоланган. 1998-1999 йилларда Ўзбекистонда 150 нафар иорданиялик талабалар таҳсил олди.

2000 йилда Ўзбекистон –Иордания ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 13,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳозирда 14 та Ўзбекистон – Иордания кўшма корхонаси, шундан 8 таси 100 фоиз иорданияликлар сармояси асосида фаолият кўрсатади. Иорданиянинг “Глобал Бизнес” компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Давлат тузуми – конституцион монархия мамлакати, давлат бошлиғи – малик (подшоҳ). Иордания – аграр мамлакат.

Ироқ Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 1 январда тан олган ва 1993 йил 19 июнда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Давлат тузуми – Президентлик Республикаси.

Исроил (*пойтахти – Тель-Авив*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олган ва 1992 йил 2 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1992 йил май ойида Тошкентда Исроил элчихонаси очилди ва 1992 йил ноябрда Тель-Авивда Ўзбекистон консуллиги очилди, у 1997 йил март ойида элчихонага айлантирилди.

1998 йил сентябрь ойида И.Каримовнинг Исроилга ташрифи давомида ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 8 та шартнома имзоланди. Ҳозирда Ўзбекистонда Исроил сармояси иштирокида 45 та корхона рўйхатга олинган.

Эрон Ислом Республикаси (*пойтахти – Техрон*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олди ва 1992 йил 10 майда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил ноябрда Тошкентда Эрон элчихонаси, 1995 йил майда Техронда Ўзбекистон элчихонаси очилган.

И.Каримов Эронга 1992 йилнинг 24-25 ноябрь кунлари расмий, 2000 йил 10-11 июнь кунлари амалий, 2003 йил 17-18 июнь кунлари расмий ташриф буюрди.

Эрон Президентлари – 1993 йилнинг 18 октябрида Али Акбар Хошимий Рафсанжоний, 2002 йил 26-28 апрель кунлари С.М.Ҳотамийлар Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлди.

1992 – 1996 йилларда узунлиги 295 км. бўлган Машҳад – Серахс – Тажан темир йўли қурилди. Бу йўл Ўзбекистоннинг Форс кўрфазига чиқишига имкон яратди. Ҳозирда Ўзбекистонда 50 дан ортиқ эрон сармояси иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда, шундан 13 таси 100 фоиз эрон сармояси асосида ташкил этилган.

Маълумот учун: Эрон – нефт саноати ривожланган аграр-индустриал мамлакат.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎРТА ШАРҚ
МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ
ҲАМКОРЛИГИ**

**Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Шарқ мамлакатлари билан
сиёсий алоқалари**

Афғонистон Ислом Республикаси (*пойтахти - Қобул*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 22 декабрда тан олди ва 1992 йил дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Маълумот учун: 1992 йил 13-15 октябрь кунлари Афғонистон раҳбари Бурҳониддин Раббоний Ўзбекистонга амалий ташириф буюрди. Ташириф чоғида Ўзбекистон Республикасига Афғонистон Ислом давлати ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиши тўғрисида баённома имзоланди. Бундан ташқари, икки давлат ўртасида ҳаво йўллари очилиши ҳақида меморандум, иқтисодий ва савдо соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида баённома имзоланди.

1982 йилдан буён Тошкентда фаолият кўрсатиб келаётган Афғонистон бош консуллиги 1992 йилнинг октябридан мазкур давлатнинг элчихонасига айлантирилди. Ўзбекистоннинг консуллик ваколатхонаси эса 1992 йилда Мозори-Шарифда ўз фаолиятини бошлаган эди. Афғонистонда жанговар ҳаракатларнинг бошланиши ҳамда Толибон гуруҳининг ҳукумат тепасига келиши (1996 йил) натижасида тўхтатилган мазкур консулхона 2002 йилнинг 15 январь кунидан қайта очилади. 2002 йилнинг август ойида Қобулда Ўзбекистоннинг элчихонаси ўз фаолиятини бошлайди.

1999 йил 19-20 июль кунлари Тошкентда “6+2” гуруҳининг (*биринчи учрашув 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда ўтказилди*) навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Бунда Афғонистондаги икки қарама-қарши гуруҳ “Толибон” ҳаракати ҳамда Афғонистон Бирлашган fronti вакиллари илк бор ўзаро музокара олиб бордилар. Учрашув низоҳасида “Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент Декларацияси қабул қилинди. Қабул қилинган Тошкент Декларацияси БМТ ҳужжати мақомини олди.

2001 йилнинг 7 октябрида АҚШ ва Буюк Британия коалитсион армияси Афғонистонга “Енгилмас озодлик” деб номланган ҳарбий амалиётини бошлади.

2002 йилнинг 4-5 март кунлари И.Каримовнинг таклифига биноан Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзай (2004 йил 7 декабрдан Президент бўлган) Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. 2002 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон “Яхши кўшничилик тўғрисида”ги Қобул Декларациясини имзолади ва жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонни қайта тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди. 2002 йилнинг 26 декабрида Афғонистон транспорт инфратузилмасини тиклаш мақсадида Ўзбекистон, эрон ва Афғонистон мутахассислари иштирокида Духорун–Ҳирот–Термиз йўлини қуриш бўйича Тошкентда уч томонлама музокаралар ўтказилди. Мозори-Шариф – Қобул йўлини тиклаш бўйича лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Жумладан, мазкур йўналишда уруш вақтида вайрон бўлган 10 та кўприкни қайта тиклаш ишлари Ўзбекистон мутахассислари томонидан амалга оширилди. 2003 йилнинг 17-18 июнь кунлари И.Каримовнинг эронга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ўртасида халқаро трансафғон йўлагини барпо этиш бўйича уч томонлама битим имзоланди.

2002 йили Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги товар айрбошлаш ҳажми 61,69 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 61,5 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон экспортига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 28 август куни Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий мақбарасини қуриш ва унга ёндош худудни обод қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон худуди орқали Афғонистонга 2,5 млн. тоннадан зиёд инсонпарварлик юклари этказиб берилди.

Ўзбекистонда афғон ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 122 та корхона рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улардан 39 таси 100 фоиз афғон сармояси ҳисобига фаолият кўрсатади⁴⁶.

Маълумот учун: Афғонистон – дунёдаги иқтисодий ривожланиши энг паст аграр мамлакатлардан бири.

Покистон Ислом Республикаси (пойтахти - Исломобод) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олди ва 1992 йил 10 майда

⁴⁶Ўша жойда. Б. 227.

дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йил июнь ойида Тошкентда Покистон ўз элчихонасини очди, Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси 1994 йил июль ойида очилган.

И.Каримов 1992 йил 13 августда Покистонга расмий ташриф буюрган. Бу ташриф чоғида икки давлат ўртасида 5 та муҳим битим имзоланди.

2005 йил март ойида Покистон Президенти Парвез Мушарраф Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Бу ташриф чоғида 2005 – 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган маданий алоқалар, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, икки томонлама сиёсий-иқтисодий мулоқотни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

2006 йилнинг май ойида И.Каримов Покистонга расмий ташриф билан борди.

2006 йилда Ўзбекистон – Покистон ўртасидаги товар айланмаси 18,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида 42 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Покистон билан *Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (Покистон, Эрон, Туркия томонидан тузилган)* доирасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон бу ташкилотга 1992 йил 6 февралда аъзо бўлган.

Маълумот учун: *Покистон – саноати ривожланаётган аграр мамлакат. Ядро қуролига эга.*

Ҳиндистон (*пойтахти - Деҳли*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда тан олди ва 1992 йил 18 мартда Тошкентда икки томонлама дипломатик алоқалар ўрнатиш борасида Протокол имзоланди. 1992 йил сентябрда Деҳлида Ўзбекистоннинг Консуллик ваколатхонаси очилди ва 1994 йил мазкур ваколатхона элчихона мақомига эга бўлди. Тошкентда 1988 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган Ҳиндистоннинг Бош Консуллик ваколатхонаси 1992 йили элчихонага айлантирилди.

И.Каримов шу кунгача Ҳиндистонга 4 марта расмий ташриф буюрди (*1991 йил август, 1994 йил январь, 2000 йил май, 2005 йил апрель*).

1993 йил 23-25 май кунлари Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу ташриф чоғида икки давлат ўртасида муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги шартнома, даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишга йўл қўйилмаслик, ҳаво

йўли, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида битимлар ҳамда ҳамжиҳатлик тўғрисида меморандум имзоланди. Икки томонлама алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 45 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро халқаро ҳужжатлар ташкил этади.

2006 йилда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо ҳажми 59,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Ҳозирда Ўзбекистонда 45 та Ўзбекистон –Ҳиндистон кўшма корхоналари (*19 таси 100 фоиз ҳинд сармояси асосида*) ва 4 та ҳинд компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда⁴⁷.

Маълумот учун: *Ҳиндистон – федератив, аграр-индустриал мамлакат. Ядро қуролига эга. Ҳиндистон олтин экспорт қилиш бўйича дунёда 1-ўринда туради.*

Шри-Ланка (*пойтахти - Коломбо*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 12 февралда тан олди ва 1999 йил 11 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Непал Қироллиги (*пойтахти - Катманду*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 январда тан олди.

Бангладеш (*пойтахти - Дакка*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олди ва 1992 йил 15 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

Мальдив Республикаси (*пойтахти - Мале*) Ўзбекистон мустақиллигини 1994 йил 7 декабрда тан олди ва шу куни дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

⁴⁷Халқ сўзи // 2007 й. 17 март.

ЎЗБЕКИСТОН, МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ: ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Ўзбекистоннинг Россия, Белорус, Украина ва Молдова билан ҳамкорлиги

1991 йил 8 декабрда Беловежское Пушчеда (Минск яқинида) Россия, Белорус ва Украина давлат бошлиқлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)ни тузиш тўғрисида шартнома имзоладилар.

1991 йил 13 декабрда Ашхободда Марказий Осиё Президентлари учрашиб, МДҲга уни таъсис этувчилар мақомида киришга тайёр эканликларини билдирдилар.

1991 йил 21 декабрда Олма-отада 11 давлат – Россия (Б.Елцин), Украина (Леонид Кравчук), Белорус (Станислав Шушкевич), Қозоғистон (Н.Назарбоев), Ўзбекистон (И.Каримов), Қирғизистон (А.Акаев), Тожикистон (Р.Набиев), Туркменистон (С.Ниёзов), Озарбайжон (Аяз Муталибов), Арманистон (Левон Тер-Петросян), Молдавия (Мирче Снегур) – бошлиқларининг кенгашида Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протокол имзоланиб, “Тенг ҳуқуқли ва ахдлашаётган олий томонлар” мақомида МДҲ тузилди. 1993 йил 24 декабрда Ашхободда бўлган МДҲ давлатлари бошлиқларининг кенгашида Грузия ҳам МДҲга аъзо бўлди.

1992 йил 15 майда МДҲ давлат бошлиқларининг Тошкент кенгаши бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 20 мартда тан олди ва шу кундан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1992 йил 30 майда И.Каримовнинг Россияга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида элчихоналар очилди. Икки давлат ўртасидаги алоқалар “Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги” (1998 йил 13 октябрда Тошкентда имзоланган), 2004 йил 16 июнда имзоланган “Ўзбекистон Републикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шериклик Шартномаси” асосида олиб борилмоқда⁴⁸.

И.Каримовнинг 1998, 2001 йил 4 май, 2004 йил 15-16 апрель, 2005 йил 28-29 июнда Россияга қилган ташрифлари, РФ Президенти В.Путиннинг

⁴⁸ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005. Б. 199.

2000 ва 2004 йилларда Ўзбекистонда бўлган вақтида эришилган битимлар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликка ҳуқуқий асос яратди. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 163 та халқаро икки томонлама шартномалар ва 40 дан ортиқ бошқа ҳужжатлар (жумладан, минтақавий ҳамкорлик борасидаги ҳужжатлар) ташкил этади. Улардан 115 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 48 таси идоралараро халқаро ҳужжатлар, 40 таси Президентларнинг Қўшма Баёнотлири, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари ва бошқа халқаро ҳужжатлардир⁴⁹.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2005 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартнома имзоланган. 2003 йилда Ўзбекистон – Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 149,1 млн. АҚШ долларини, 2004 йилда 1 млрд. 641,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2006 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2005-йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпдир. Ўзбекистонда “Газпром” ва “Лукойл” компанияларининг сармояси 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2009-йилда Россия сармояси иштирокида тузилган 786 та (520 та 2005 й. маълумотига кўра) қўшма корхона фаолият кўрсатди, улардан 45 таси тўлалигича Россия сармояси билан ташкил этилган. Россияда Ўзбекистон иштирокида ташкил этилган 349 корхона фаолият кўрсатмоқда⁵⁰.

Ўзбекистонда бир неча йилдан буён Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ва И.М.Губкин номидаги Россия нефт ва газ университети филиаллари фаолият кўрсатмоқда, 2006 йилдан М.Ломоносов номидаги МДУнинг Тошкент филиали ташкил этилди.

2006 йилнинг 25 январида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган ЕврАзЕС саммитида Ўзбекистоннинг Ҳамжамиятга аъзо бўлиши ҳамда МОҲТнинг ЕврАзЕС билан бирлашиши ҳақидаги қарор қабул қилинди. 2008 йил октябрда Ўзбекистон ЕврАзЕСдан чиқиш тўғрисида баёнот берди ва ноябр ойида бу ташкилотдан чиқди.

⁴⁹Ўша жойда. Б.200.

⁵⁰ Халқ сўзи // 2009 й. 21 январь.

И.Каримов 2008 йил 5-6 февраль кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди. И.Каримов ва В.Путиннинг Кремлда бўлиб ўтган суҳбатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка оид турли масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида ЎзР ва РФ Президентларининг қўшма баёноти, икки давлат ҳукуматлари ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги билан РФ ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 2008 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

2009 йилнинг 22-23 январь кунлари РФ Президенти Д.Медведев Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлди. Ўзбекистон Россияга йилига 16 млрд. кубометр газ экспорт қиладиган бўлди.

Маълумот учун: Россия Федерацияси – Майдони – 17.075.400 км² (ғарбдан шарққа – 9 минг км. дан ошиқ, шимолдан жанубга – 2,5 – 4 минг км.). Пойтахти – Москва. Расмий тили – рус тили. Миллий валютаси – рубл. ЯИМ (аҳоли жон бошига) – 8800 АҚШ\$ (2002 й.). Дини – насронийлик (кўпчилиги православ мазҳаби), ислом, буддизм, католик иудаистлар ва ҳ.к.. Иқтисодиёти – кўптармоқли саноатлашган-аграр мамлакат. экспорт – нефт ва нефт маҳсулотлари, табиий газ, ёғоч, оқра ва рангли метал, минерал ўғит, машина ва ускуналар, қурол-яроғ. Импорт – машина ва ускуналар, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари, саноат истеъмол товарлари.

Россия ядро қуроли ва сунъий йўлдошга эга давлат.

Украина Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 24 январда тан олди ва шу йилнинг 25 августида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1993 йил Тошкентда Украинанинг дипломатик ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади, 1995 йили эса Киевда Ўзбекистоннинг элчихонаси очилди.

1992 йил август, 1994 йил ноябрь, 1998 йил февраль, 1999 йил октябрь ойларида И.Каримов Украинада расмий ва давлат ташрифлари билан бўлди.

1991 йил октябрь, 1995 йил июнь, 2000 йил октябрь, 2003 йил апрель ойларида Украина Президенти Леонид Кучма давлат ва расмий ташрифлар билан Ўзбекистонда бўлди. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 134 та халқаро икки

томонлама ҳужжатлар ташкил этади. Улардан 84 таси давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 25 таси идоралараро халқаро ҳужжатлар, 25 таси Президентларнинг Қўшма Баёноtlари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколлари ва бошқа халқаро ҳужжатлардир⁵¹. 1998 йил 19 февралда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси билан Украина Республикаси ўртасида дўстлик ва келажакда ҳар томонлама алоқаларни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома” ва 1999 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси билан Украина Республикаси ўртасида 1999 – 2008 йилларда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги Шартнома” икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида имзоланган 60 та халқаро ҳужжатлар асосида олиб борилмоқда. Илмий-техникавий ва гуманитар соҳалар бўйича 8 та ҳужжат, транспорт ва алоқа соҳалари бўйича 10 та ҳужжат, солиқ ва ҳуқуқ соҳалари бўйича 6 та халқаро ҳужжат имзоланган⁵².

2004 йилда Ўзбекистон – Украина ўртасидаги товар айланмаси 280,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Шундан 109,3 млн. АҚШ доллари экспортга, 171 млн. АҚШ доллари импорт ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистонда 40 га яқин ўзбек – украин қўшма корхонаси ва 100 фоиз украин сармояси билан фаолият кўрсатаётган 6 та корхона рўйхатга олинган. Украинада эса 15 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. 2003 йил Киев Миллий университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга Киев Миллий университетининг фахрий Фан доктори унвони берилди. 2004 йили эса Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Украина Президенти Л.Кучмага Ўзбекистон Миллий университетининг фахрий Фан доктори унвони берилди.

Маълумот учун: Украина – Майдони – 603,7 минг км². Пойтахти – Киев. Расмий тили – украин тили. Миллий валютаси – гривна. ЯИМ (аҳоли жон бошига) – 4200 АҚШ\$ (2001 й.). Дини – насронийлик (кўпчилиги

⁵¹ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005. Б. 212.

⁵² Ўша жойда. Б. 212.

православ мазҳаби), греко-католиклар, протестантлар ва б.. Иқтисодиёти – саноатлашган-аграр мамлакат.

Белорус Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда тан олди ва 1993 йил 21 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1994 йил февралдан Тошкентда Беларус элчихонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Беларусда ҳам ўриндош сифатида рўйхатдан ўтказилган.

1991 йил 6 ноябрь куни Беларус Олий Кенгаши раиси Станислав Шушкевич Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. 1994 йил 21-23 декабрь кунлари Беларус Президенти А.Лукашенко Тошкентда расмий ташриф билан бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон – Беларус ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди.

Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1991 йил 6 ноябрда Тошкентда имзоланган давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Шартномага биноан олиб борилмоқда. Икки давлат муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 37 халқаро икки томонлама ҳужжат ташкил этади. Улардан 19 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 9 тасини икки томонлама идоралараро ҳужжатлар, 9 тасини эса ҳукуматлараро комиссия мажлисининг протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар 7 та халқаро ҳужжат асосида олиб борилмоқда. 2004 йилда Ўзбекистон – Беларус ўртасидаги товар айирбошлаш 55,5 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт – 5,7 млн., импорт – 49,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Маълумот учун: *Белорус – Майдони – 207,6 минг км². Пойтахти – Минск. Расмий тили – белорус, рус тили. Миллий валютаси – белорус рубли. ЯИМ (аҳоли эшон бошига) – 8200 АҚШ\$ (2001 й.). Дини – 80 % насронийлик (православ мазҳаби), асосан католик. Иқтисодиёти – саноатлашган-аграр мамлакат.*

Молдова Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 15 октябрда тан олган ва 1994 йил 23 августда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1994 йил ноябрида Тошкентда Молдова ўз элчихонасини очди.

Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1995 йил 30 мартда Кишинёв шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Молдова Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномаси асосида олиб борилмоқда. Бугунги кунгача икки давлат ўртасида олий даражада 3 та расмий ташриф амалга оширилди. Улардан: И.Каримовнинг 1995 йили Молдовага, 2002 йили МДХ саммити иштирокчиларининг учрашуви доирасида Кишинёв шаҳрига қилган ташрифлари ҳамда 1998 йили Молдова давлат раҳбарларининг Ўзбекистонга қилган ташрифларидир.

Бугунги кунда муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 37 халқаро икки томонлама ҳужжат ташкил этади. Улардан 30 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 11 тасини икки томонлама идоралараро ҳужжатлар, 10 тасини эса Президентларнинг Қўшма Баёноتلари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар 5 та халқаро ҳужжат асосида олиб борилмоқда⁵³.

2004 йилда Ўзбекистон – Молдова ўртасидаги товар айирбошлаш 6,5 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт – 1,3 млн., импорт – 5,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Молдова сармоясини иштирокидаги 1 та корхона рўйхатга олинган.

Маълумот учун: Молдова – Майдони – 33,7 минг км². Пойтахти – Кишинёв. Расмий тили – молдован тили. Миллий валютаси – молдован леви. ЯИМ (аҳоли жон бошига) – 3000 АҚШ\$ (2002 й.). Дини – насронийлик (асосан православлар). Иқтисодиёти – саноатлашган-аграр мамлакат.

Ўзбекистоннинг Озарбайжон, Грузия ва Арманистон давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари

Озарбайжон Республикаси (*пойтахти - Боку*) Ўзбекистон билан 1995 йил 2 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатган. Озарбайжоннинг Тошкентдаги элчихонаси 1996 йил августдан бошлаб фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонаси эса 1998 йил июль ойидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1996 йил 27 майда давлат раҳбарлари томонидан имзоланган

⁵³Ўша жойда. Б. 190.

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномасига асосан олиб борилмоқда.

1996 йил 27-28 май, 1998 йил сентябрь ойларида Президент И.Каримов Озарбайжон Республикасига расмий ташриф билан борди. 1997 йил июнда Озарбайжон Президенти Гейдар Алиев, 2004 йил 23-24 март кунлари Илҳом Алиев (*2003 йил октябрдан Озарбайжон Президенти*) Ўзбекистонда расмий ташриф билан бўлишди.

Икки давлат муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 79 та ҳужжат ташкил этади. Улардан 47 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 24 тасини икки томонлама идоралараро ҳужжатлар, 8 тасини эса ҳукуматлараро комиссия мажлисининг протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар 20 та имзоланган халқаро ҳужжат асосида олиб борилмоқда. 2004 йилда Ўзбекистон – Озарбайжон ўртасидаги товар айирбошлаш 153 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт – 147 млн., импорт – 6 млн. АҚШ долларини ташкил этди⁵⁴. Республикамизда 45 мингга яқин озарбайжон миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. 2003 йили Тошкентда Озарбайжон маданий марказлари Ассоциацияси ташкил қилинди. 1989 йилдан буён Тошкентда “Гардашлик” озарбайжон маданият маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

Грузия Республикаси (*пойтахти - Тбилиси*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 10 октябрда тан олди, 1992 йил 16 мартда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1997 йилдан Ўзбекистонда Грузия элчихонаси фаолият бошлаган, 1999 йилда эса Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчиси Грузияда ўриндош элчи сифатида аккредитациядан ўтган.

1995 йил 4 сентябрь куни Грузия Президенти Э.Шеварднадзе расмий ташриф билан Тошкентга келди. Ташриф чоғида икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар мана шу ҳужжат асосида олиб борилмоқда.

1996 йил 28-29 май кунлари И.Каримов расмий ташриф билан Грузияда бўлди. И.Каримов ва Э.Шеварднадзе икки давлат ўртасида

⁵⁴Ўша жойда. Б. 260.

хамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш тўғрисида Декларация ва бошқа масалаларга оид 15 га яқин ҳужжатларни имзоладилар.

1999 йил 8 март куни Грузия Президенти Э.Шеварднадзе амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорлик кўламларини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

2003 йил 9-10 октябрь кунлари И.Каримов Грузияда давлат ташрифи билан бўлди.

Икки давлат муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 80 та ҳужжат ташкил этади. Улардан 43 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар, 24 тасини икки томонлама идоралараро ҳужжатлар, 13 тасини эса Президентларнинг Қўшма Баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар 16 та имзоланган халқаро ҳужжат асосида олиб борилмоқда. 2004 йилда Ўзбекистон – Грузия ўртасидаги товар айирбошлаш 22,3 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт – 17,7 млн., импорт – 4,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди⁵⁵. Ўзбекистонда грузин сармоясини иштирокида 7 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Грузия портлари (*Батуми, Поту*) орқали 1997 йилда 285 минг тонна Ўзбекистон юки хорижга ташилди, 1998 йилда қарийб 725 минг тонна юк Ўзбекистонга ташиб келтирилди. Грузия орқали ўтадиган Европа – Кавказ – Осиё транспорт йўлаги – ТРАСЕКА лойиҳасида Ўзбекистон ҳам иштирок этмоқда.

Арманистон (*пойтахти - Ереван*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 6 февралда тан олди ва 1995-йил 27-октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг Болтиқбўйи мамлакатлари билан ҳамкорлиги

⁵⁵Ўша жойда. Б. 235.

Латвия Республикаси (*пойтахти - Рига*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 22 октябрда тан олди ва шу йил 3 ноябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

И.Каримов 1995 йилнинг 6-7 июнь кунлари Латвияга расмий ташриф буюрди. Ташриф чоғида икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

1996 йил 23 майда Латвия Президенти Гунтис Улманис Тошкентда расмий ташриф билан бўлди. Бунда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисида Декларация имзоланди.

2004 йил 7-8 апрель кунлари И.Каримов Латвияга расмий ташриф буюрди ва Латвия Президенти Вайре Вике-Фейрберга хоним билан учрашди. Ўзбекистонда латвиялик сармоядорлар иштирокидаги 10 та корхона, шундан 1 таси 100 фоиз латиш сармояси асосида рўйхатга олинган. Ўзбекистон товарларини Ғарбий Европага чиқаришда Латвия портларидан фойдаланади.

Литва Республикаси (*пойтахти - Вильнюс*) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 20 декабрда тан олди ва 1992 йил 5 августда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1995 йил 7-8 июнь кунлари И.Каримов Литва Республикасига расмий ташриф буюрди ва Президент Алгирдис Бразаускас билан учрашди. Учрашув чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларация имзоланди. Литва Президентининг 1997 йил февралидаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштириш ҳақида келишиб олинди. 2002 йил сентябрда И.Каримовнинг Литвага ташрифи чоғида ҳам бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон ўз товарларини Литванинг Клайпеда портидан Германия, Польша, Нидерландия, Белгия, Швеция, Финляндия, Дания ва Францияга юборади. Ўзбекистонда литвалик сармоядорлар иштирокида 22 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Эстония Республикаси (*пойтахти - Таллин*) Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 20 февралда тан олди ва 1994 йил 25 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан
сиёсий ҳамкорлиги**

И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида (1993 йил 28 сентябрь) сўзлаган нутқида Марказий Осиё минтақаси бўйича қуйидаги таклифларни киритди:

- Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкентда БМТнинг доимий ишловчи семинарини чақириш;
- Марказий Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш;
- Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролни тарқатмаслик устидан халқаро назорат ўрнатиш;
- Оролни ва Орол бўйини қутқариш.

Ўзбекистон ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15-16 сентябр кунлари Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1997 йил февралда Олма-отада бўлган учрашувида минтақани ядро қуролидан холи зонага айлантиришга аҳдлашилди ва бу аҳднома мазкур учрашувда қабул қилинган Олма-ота Декларациясида ўз ифодасини топди. “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона” шиори остида халқаро конференция ўтказиш таклифи илгари сурилди. Мазкур таклифга биноан, 1997 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи зона” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат бошлиқларининг 2002 йил 28 февralидаги Олма-ота учрашувида “Марказий Осиё ҳамкорлиги” (МОҲ) ташкилотини тузиш ҳақида Шартнома имзоланди. МОҲ ташкилотини ташкил этишнинг асосий мақсади бир қанча сиёсий-иқтисодий масалалар билан биргаликда минтақада хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтиришдир.

2002 йилда МОҲ ташкилоти давлат бошлиқларининг 4 марта учрашуви бўлиб ўтди (Олма-ота – 28-февраль, Оқтов – 6-7 июль, Душанба – 5-бюктябрь, Остона – 27 декабрь).

2006 йил 8 сентябрда Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида “Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида”ги шартномани имзоладилар⁵⁶. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланди ва 2007 йил 2 апрелида ратификация қилинганлиги тўғрисида Қонун қабул қилинди. Шу кунини МОҲ ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённома (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилинганлиги тўғрисида ҳам Қонун қабул қилинди⁵⁷.

Тошкентда 2007 йил 28 март кунини ШХТ Кенгашининг навбатдаги 9-мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, РФ, Қозоғистон, ХХР, Қирғизистон, Тожикистон вакиллари иштирок этди. Мажлисида Кенгашнинг 8-мажлиси (Пекин, 2006 йил 29 сентябрь) қарорларининг ижроси ҳақида ахборот тингланди. 2007 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. ШХТ МАТТнинг навбатдаги кенгаши РФда 2007 йил сентябрда ўтказишга келишиб олинди⁵⁸.

Қозоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1992 йил 23 октябрда тан олди ва шу йил 23 ноябрдан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномасига асосан олиб борилмоқда. 1994, 1998 ва 2010 йилларда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. 1997, 2001 ва 2002 йилларда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифлари бўлди. 2003 йил май ойида Қозоғистон ҳукумат делегацияси Н.Назарбоев бошчилигида Тошкентда Европа Тараққиёт ва тикланиш банки Бошқарув Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Маълумот учун: Қозоғистон – Майдони – 2 717300 км². Пойтахти – Остона. Катта шаҳарлари – Олма-Ота, Қараганда, Чимкент, Павлодар. Маъмурий жиҳатдан – 14 та вилоятга бўлинади. Расмий тили – қозоқ ва рус тиллари. Миллий валютаси – тенге. ЯИМ (аҳоли жон бошига) – 5480 АҚШ\$

⁵⁶Халқ сўзи // 2007й. 2 март.

⁵⁷ Халқ сўзи // 2007 й. 3 апрель.

⁵⁸ Халқ сўзи// 2007 й. 29 март.

(2002 й.). Дини – ислом ва насронийлик. Мустақиллик куни – 16.12.1991-й. Миллий байрами – 25 октябрь – Республика куни. Иқтисодиёти – саноатлашган-аграр мамлакат, иқтисодиётнинг асосий қисмини тоғ-кон саноати ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг асоси чорвачлик ва буғдойчилик⁵⁹.

Президенти – 1991 йилдан(1990 йилдан давлат раҳбари)Нурсултон Назарбоев.

Қирғизистон Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 29 сентябрда тан олди ва 1993 йил 16 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1996 йил 24 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномасига асосан олиб борилмоқда. 1996 йилнинг декабрь ойида Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев Ўзбекистонга биринчи расмий ташриф билан келган. 1998 йилнинг ноябрь ойида эса иккинчи олий даражадаги ташриф бўлиб ўтди. 2000 йил сентябрда Президент И.Каримов Қирғизистонга расмий жавоб ташрифи билан борди. 2003 йил май ойида Қирғизистон ҳукумат делегацияси А.Акаев бошчилигида Тошкентда Европа Тараққиёт ва тикланиш банки Бошқарув Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Бундан ташқари, икки давлат раҳбарлари турли халқаро ташкилотлар (МДХ, ШҲТ, МОҲТ, БМТ, НАТО ва бошқалар) саммитлари, йиғилишлари ва учрашувларида ҳам иштирок этиб, ўзаро мулоқотларда бўлдилар.

Маълумот учун: Қирғизистон – Майдони – 199000 км². Пойтахти – Бишкек. Катта шаҳарлари - Ўш. Маъмурий жиҳатдан – 7 та вилоятга бўлинади. Расмий тили – қирғиз ва рус тиллари. Миллий валютаси – қирғиз соми. ЯИМ (аҳоли жон бошига) – 1520 АҚШ\$ (2002 й.). Дини – ислом, 20% православлар, буддистлар ва б.. Мустақиллик куни – 31.08.1991 й. Миллий байрами – 31 август – Мустақиллик куни. Иқтисодиёти –мамлакат муҳим табиий ресурсларга, олтин конларига, тошкўмир, симоб, сурма, волфрам, қалай ва б. эга. Саноатда рангли металлургия ва машинасозлик, енгил ва

⁵⁹ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005. Б. 290-291.

озик-овқат саноати етакши ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги қулай табиий муҳит туфайли ривожланмоқда⁶⁰.

Президенти – Алмасбек Атанбаев (2011 йил ноябрдан).

Тожикистон Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 6 январда тан олди ва шу йилнинг 20 октябрида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 2000 йил 15 июнда Душанбеда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик Шартномаси асосида амалга оширилмоқда. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик борасида уч томонлама Декларация қабул қилинди.

2000 йил июнь ва 2002 йил октябрда И.Каримов Тожикистонга расмий ташриф билан борди. 2003 йилнинг май ойида Тожикистон Республикаси ҳукумат делегацияси И.Раҳмонов бошчилигида Тошкентда бўлиб ўтган Европа Тараққиёт ва тикланиш банки бошқарув кенгашининг навбатдаги мажлисида ва 2004 йил июнь ойида ШХТнинг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Маълумот учун: Тожикистон – Майдони – 143000 км². Пойтахти – Душанбе. Катта шаҳарлари - Хўжанд, Қўрғонтепа, Кўлоб, Уструшона. Маъмурий жиҳатдан – Тоғли Бадахшон мухтор вилояти, 2 та вилоят, 45 туманга бўлинади. Расмий тили – тожик тили. Миллий валютаси – сомоний. ЯИМ (аҳоли жон бошига) – 900 АҚШ\$ (2002 й.). Дини – ислом. Мустақиллик куни – 9.09.1991 й. Миллий байрами – 9 сентябрь – Мустақиллик куни. Иқтисодиёти – аграр-саноатлашган мамлакат. ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши 25%, саноатники 35%, хизмат кўрсатиши соҳасиники 40%ни ташкил этади⁶¹.

Президенти – Имомали Раҳмонов 2006 йил ноябрда 79,3 фоиз овоз билан 7 йилга қайта сайланди.

Туркменистон Ўзбекистон мустақиллигини 1993 йил 7 январда тан олди ва шу кундан икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1996 йил 16 январда

⁶⁰Ўша жойда. Б. 288-289.

⁶¹Ўша жойда. Б. 271-272.

имзоланган икки давлат ўртасидаги абадий дўстлик Шартномасига асосан амалга оширилмоқда. 1996, 2004 йилларда Президент Сафармурод Ниёзов Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган бўлса, 1996, 2000 ва 2007, 2009 йилларда И.Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифлари бўлди. 2004 йил 19 ноябрда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган икки давлат раҳбарларининг учрашуви давлатлараро алоқаларни ривожлантиришда ва икки томонлама манфаатли муносабатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

И.Каримов 2007 йил октябрь ойида Туркменистонга расмий ташриф буюрди. Ташриф чоғида бир неча иқтисодий-сиёсий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида шартномалар билан бирга 2008-2010 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ташрифига жавобан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 2008 йил 10-11 март кунлари Ўзбекистонга биринчи марта давлат ташрифи билан келди.

2009 йилнинг 13-14 декабрь кунлари И.Каримов расмий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Бу ерда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Хитой ўртасида туркман газини қитъалараро қувур орқали Хитойга етказиб бериш ҳақида келишилди.

Маълумот учун: Туркменистон – Майдони – 488000 км². Пойтахти – Ашхобод. Катта шаҳарлари – Туркманобод, Тошхөвүз, Мари. Маъмурий жиҳатдан бўлиниши – 5 та вилоят, вилоятлар этрап (туман)ларга бўлинади. Расмий тили – туркман тили. Миллий валютаси – туркман манати. ЯИМ (аҳоли жон бошига) – 4750 АҚШ\$ (2002 й.). Дини – ислом. Мустақиллик куни – 27.10.1991 й. Миллий байрами – 27 октябрь – Мустақиллик куни. Иқтисодиёти – аграр-саноатлашган мамлакат. ЯИМда саноатнинг улуши 50%, қишлоқ хўжалигиники 18%, хизмат кўрсатиши соҳасиники 31%ни ташкил этади.

Туркменистон - бетараф давлат (1995 йил 12 декабрдан)⁶².

Президенти – Гурбангули Бердимухамедов (2006 йилдан).

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги маданий-иқтисодий алоқалар

⁶²Ўша жойда. Б. 272-273.

Ўрта Осиё давлатлари ҳали собиқ иттифоқ яшаб турган йиллардаёқ минтақада сиёсий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш борасида айрим чоратadbирларни ишлаб чиқа бошлаган.

1990 йил июнь ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарларининг Олма-ота учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув чоғида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига мурожаатнома, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1991 йил август ойида Тошкентда Ўрта Осиёнинг бешта республикаси ҳамда Озарбайжон раҳбарларининг Маслаҳат Кенгашини тузиш тўғрисидаги битими имзоланди.

1991 йил 13 декабрь Ашхобод учрашувида Тажан-Серахс темир йўли қурилиши тўғрисида битим имзоланди, Чернобиль ҳалокати ва Орол фожиаси оқибатларини тугатиш ҳақида Қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, мазкур учрашувда давлат раҳбарлари МДХга уни таъсис этувчилар мақомида киришга тайёр эканликларини билдирдилар.

“Марказий Осиё” атамаси 1993 йил 4 январда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарларининг Тошкентдаги учрашувида тилга олинди ва шундан эътиборан Ўрта Осиёдаги беш давлатга нисбатан ишлатилиб келинмоқда⁶³. Мана шу учрашувда Оролни сақлаб қолиш бўйича халқаро жамғарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1993 йил 26 март куни Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия раҳбарларининг Қизил Ўрда анжуманида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсис этилди, Орол муаммолари билан шуғулланувчи халқаро кенгаш тузилди.

1994 йил 11 январда Нукусда Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва РФ ҳукумат делегацияси иштирокида Орол муаммоларига бағишланган иккинчи анжуман бўлиб ўтди.

1994 йил 30 апрелда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларининг Чўлпонота (Қирирғизистон) учрашувида уч давлат ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисида уч томонлама шартнома имзоланди. Шу йилнинг 8 июлда бўлиб ўтган уч давлат раҳбарларининг Олма-ота

⁶³ O‘zbekistonning yangi tarixi. Mustaqil O‘zbekiston tarixi. 3-kitob. to‘ldirilgan qayta nashri. Toshkent. 2009. B. 641.

учрашувида эса Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкни (МОҲТБ) таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди. 1998 йилда МОҲТБга Тожикистон Республикаси ҳам қўшилди. МОҲТБнинг Бош банки Олма-отада, Тошкент ва Бишкекда шубба банклари ташкил қилинди. МОҲТБнинг Тошкент шубба банкни ўз фаолияти давомида уяли ва халқаро роуминг алоқаларини ривожлантириш дастури бўйича “Коском” қўшма корхонасини 1 млн. АҚШ доллари миқдорида, “Спектр” қўшма корхонасини 473,3 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ билан таъминлади. Бундан ташқари, шубба банкни Германиянинг икки банкни билан муносабатлар ўрнатди.

1995 йил 14 апрелда Чимкентда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларининг учрашувида давлатлараро интеграцияни жадаллаштириш бўйича коммюнике имзоланди, 2000 йилгача интеграция дастури маъқулланди, тинчликни таъминловчи бирлашган батальон тузишга келишиб олинди.

1995 йил 5 майда Олий Мажлиснинг II сессиясида И.Каримов “Туркистон – умумий уйимиз” шиорини илгари сурди⁶⁴.

1997 йил 9-10 январь Бишкек кенгашида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида абадий дўстлик ҳақида шартнома имзоланди.

1997 йил 12 декабрда Оқмола (ҳозирги Остона)да Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларининг учрашувида уч мамлакат ўртасида энергетика, сув захираларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат таъминоти, коммуникация, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консортсиумлар тузиш тўғрисида музокара бўлди.

1998 йил 26 март Тошкент кенгашида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистоннинг қўшилиши тўғрисида протокол имзоланди.

2004 йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги товар айирбошлаш 425,9 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт 184,7 млн. АҚШ долларини, импорт 241,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик 1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва

⁶⁴Ўша жойда. В. 649.

Қозоғистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномасига, 1994 йил 10 январдаги маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим, сайёҳлик ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги ҳукуматлараро Битим ва 1998 йил 30 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик борасида имзоланган идоралараро Битимга асосан олиб борилмоқда.

2004 йилда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги товар айирбошлаш 68,1 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт 43,6 млн. АҚШ долларини, импорт 24,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Маданий-маърифий соҳада икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1996 йил 24 декабрда имзоланган абадий дўстлик Шартномасига ва шу куни қабул қилинган маданий ҳамкорлик борасидаги идоралараро Битимга, 1994 йил 16 январдаги маданият, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим, сайёҳлик ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги ҳукуматлараро Битимга асосан олиб борилмоқда.

Тожикистон билан маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорлик 1997 йил 10 январдаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик борасидаги икки томонлама ҳукуматлараро битим ва 1998 йил 4 январдаги маданият ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик олиб боришга қаратилган битим, 2000 йил 15 июнда икки давлат ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик Шартномаси асосида амалга оширилмоқда.

2004 йил Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш 184,7 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт 147,1 млн. АҚШ долларини, импорт 37,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Икки давлат ўртасидаги экспорт ва импорт асосини нефт ва нефт маҳсулотлари, қора ва рангли металлар ва унинг маҳсулотлари, қурилиш моллари ва бошқалар ташкил этади.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги товар айирбошлаш 2004 йилда 159,6 млн. АҚШ долларини, шундан экспорт 143,8 млн. АҚШ долларини, импорт 15,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда туркман сармояси ҳисобига фаолият олиб бораётган 3 та корхона мавжуд.

Туркменистонда эса ўзбек ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 4 та корхона мавжуд.

Туркменистон томонининг 2002 йилдаги расмий маълумотига кўра, аҳолисининг 9,2 фоизини ўзбек миллатига мансуб кишилар ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудида яшаётган туркман диаспорасининг сони расмий равишда 155 минг киши деб кўрсатилган. Ўзбекистон ҳудудида 5 та вилоятда туркман маданият марказлари ўз фаолиятини олиб бормоқда (Бухоро, Термиз, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳамда Тўрткўл шаҳарларида).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси дипломатик алоқалар борасидаги фаолияти учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди ва халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси дипломатияси ўз концепциясида белгиланган қоидаларга қатъий амал қилиб келмоқда. Зеро, минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга, дунёдаги глобаллашув жараёнларининг ижобий томонларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётган тинчликпарвар, “ўзбек модели” мақсад ва вазифаларига мос дипломатиядир.

1991 йил собиқ иттифоқ парчаланиб, унинг таркибидаги давлатлар мустақилликка эришгандан сўнг, мустақил Ўзбекистон дунё ҳамжамияти, ривожланган давлатлар билан илк бор том маънодаги дипломатик муносабатларга киришди ва халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида фаолият олиб бораётгани ўз самарасини бермоқда. Яъни, 1991 йилдан бошлаб, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Жумладан, республикамизнинг дунё ҳамжамиятидаги дипломатик муносабатлари қуйидагиларда намоён бўлди:

- Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг дипломатик фаолияти шаклланди ва дадил қадамлар билан дунё ҳамжамиятига кириб борди, кенг қўламли халқаро муносабатларга киришди;
- Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХХТ, ЕИ, НАТО, ШХТ, Ислом Конференцияси Ташкилоти ва бошқалар) томонидан халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида эътироф этила бошланди;
- Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар, ривожланган давлатлари билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида, турли шартнома ва битимлар тузила бошланди, юртимизда мазкур ташкилотларнинг ваколатхоналари, давлатлар ўртасида элчихоналар очила бошланди ҳамда муносабатлар халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга оширила бошланди;

- Дипломатик муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилди, бу халқаро ташкилотлар ҳамда давлатлар ўртасида тузилган турли шартнома ва битимларда ўз аксини топди;
- Муносабатлар икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларга асосланди, бу кўплаб бир йиллик ва кўпйиллик шартнома ҳамда иттифоқлар тузилишида намоён бўлди;
- Ўзаро муносабатлар нафақат сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, илмий соҳаларда ҳам кенг қулоч ёя бошлади;
- Ўзбекистон ва дунё ҳамжамияти ўртасидаги интеграцион жараёнлар динамикаси ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг турли соҳаларида тобора чуқурлашиб борди;
- Ўзбекистоннинг кучли дипломатик сиёсати туфайли, республикамиз дунёдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг оддий иштирокчиси эмас, балки мана шу жараёнларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётган мамлакатга айланди;
- Ўзбекистоннинг дунёда ва минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш юзасидан олиб бораётган сиёсати дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, қўллаб-қувватланмоқда;
- Ўзбекистон дунё ҳамжамиятидаги кўплаб халқаро конвенцияларга қўшилганлиги, барча тинчликпарварлик ва хавфсизлик тўғрисидаги битим ҳамда шартномаларни ратификация қилганлиги учун республикамиз дипломатияси дунё ҳамжамияти томонидан “тасдиқлаш дипломатияси” деб эътироф этилди.
- Ўзбекистон минг йиллик декларациясида (2015 йил) белгилаб олинган режадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида кўп томонлама дипломатик алоқалар олиб бормоқда.

Аккредитация – халқаро ҳуқуқда давлатнинг дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки бирон-бир халқаро ташкилотда доимий вакили лавозимига тайинлаш ва лавозимини бажаришга киришиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – 25.04.45-й. Сан-Францискода таш. этилган, устави 26.06.45 й. 50 давлат вакиллари томонидан қабул қилинган, 24.10.45 й.дан кучга кирган, бош қароргоҳи Нью-Йоркда.

Геосиёсат, географик сиёсат – сиёсат шуносликдаги назария. Геосиёсат термини муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига (географик-сиёсий стратегияси ва ҳ.к.га) муайян таъсирини ифодалаш учун ишлатилади. Геосиёсат тушунчасини биринчи бор швед олими Рудольф Челлен (1864-1922) илмий муомалага киритган.

Глобаллашув – иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ва бошқа турли соҳаларда миллий давлат чегараларининг шаффофлашуви жараёни.

Давлат – мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма. Давлат тузилиши бўйича оддий (унитар) ва мураккаб (федератив ва конфедератив) шаклларга бўлинади.

Декларация – бирор мамлакатнинг ўз мустақиллиги ёки сиёсий қарашларига оид позитсиясини ифодаловчи ҳукуматлараро баённома ва баёнот.

Денонсация (фран. denonser – эълон қилиш, узиш) – халқаро ҳуқуқда икки томонлама халқаро шартнома амал қилишини тўхтатишнинг ёки кўп томонлама халқаро шартномадан чиқишнинг кенг тарқалган усули. Денонсацияга оид умумий қоидалар Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 й. Вена конвенциясида баён қилинган.

Де-факто тан олиш – мавжуд давлат ва ҳукуматлар томонидан бирор мамлакатда пайдо бўлган давлат ёки ҳукуматни тан олишнинг анъанавий шакли. Бунинг сабабларини кўрсатиш шарт эмас. Одатда, тан олаётган давлат янги ҳукумат ёки давлатнинг узоқ яшаши мумкинлигига ишончсизлик билан қараганда қўлланиладиган ёхуд маълум вақт ўтгунча янги халқаро ҳуқуқ субъекти ёки унинг ҳукумати расман ва тўлиқ тан олиш нияти йўқлигини ифодалайди. Де-факто тан олишда дипломатик алоқалар ўрнатиш шарт эмас, айрим ҳолларда консуллик муносабатлари ўрнатиш мумкин. Бу тан олаётган давлат мазкур ҳукуматнинг мавжудлиги билан ҳисоблашади ва у билан бирор масала бўйича ҳамкорлик қилиши мумкинлигини аниқлатади. Де-факто тан олинган давлат билан ҳамкорлик турли соҳаларда бўлиши мумкин, чунки халқаро муносабатларда суверен давлат сифатида катнашади. Де-факто тан олиш де-юре тан олишдан фарқ қилмайди⁶⁵.

Де-юре тан олиш – тўлиқ тан олиш. У мамлакатда вужудга келган янги давлат ёки ҳукуматни халқаро майдонда мавжуд давлат ҳамда ҳукуматлар томонидан расмий тан олишнинг анъанавий шакли бўлиб, дипломатик алоқалар ўрнатишга олиб келади. Тан олишнинг бу тури тан

⁶⁵ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005. Б.26.

олувчи давлатнинг мазкур давлат билан тўлиқ дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини ифодалайди⁶⁶.

Диаспора (юн.*диаспора* - тарқалиш) – Фаластиндан ташқарида тарқалган яҳудийлар (*Бобил асирлиги давридан, мил.ав. 6 а.*) мажмуи. Ҳозирги адабиётда диаспора деб ўз ватанидан ташқарида яшовчи этник гуруҳларга айтилади⁶⁷.

Дипломатия (юнон. “*икки букланган қозғоз*” деган маънони билдиради) – Қад. Юнонистон ва Римда тахтакач муқова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиғи ёки ҳужжат сифатида тақдим этилган. Ҳозирги маънодаги дипломатия – давлатнинг ташқи сиёсатини белгиловчи халқаро муносабатларнинг амалий усуллари ва амалиётидир.

Дипломатик иммунитет – чет эл дипломатик вакиллариغا, махсус миссияларга, давлатларнинг халқаро ҳукуматлараро ташкилотлардаги вакиллариغا, уларнинг раҳбарлари ва ходимларига бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлар мажмуи.

Дипломатик муносабатлар – халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва халқаро мулоқот тажрибасига кўра давлатлар ўртасида расмий муносабатларни юритишнинг асосий шакли.

Доктрина (лот. *doctrina*) – таълимот, илмий ёки фалсафий назария, сиёсий тизим, бош назария ёки сиёсий принцип.

ГУУАМ – минтақавий ташкилот (атама ташкилотга аъзо бўлган давлатлар русча номлари бош ҳарфларини билдиради). Унга 1996 йилда Вена ш. (Австрия)да Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлат раҳбарлари томонидан асос солинган. 1999 йил апрелда ташкилотга Ўзбекистон ҳам қўшилди. Тузилманинг асосий мақсади Осиё-Кавказ-Европа йўлагини ишга солиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир. Ўзбекистон ушбу тузилма таркибига кириши туфайли Туркманбоши (Туркманистон) портидан Каспий денгизи орқали Бокуга, ундан темир йўл воситасида Грузия ғарбий портларига чиқиш ва ниҳоят, Қора денгиз орқали Болгария, Руминия, Туркия, Греция ҳамда Европанинг бошқа мамлакатлари билан савдо қилиш, маҳсулотларни кам чиқим билан хорижий шерикларга йетказиб бериш имкониятидан фойдаланади. ГУУАМ ҳеч қандай сиёсий ёхуд ҳарбий-сиёсий мақсадларни кўзда тутмайди ва ҳеч бир давлатга ёки халқаро ташкилотга қарши қаратилган эмас.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ялта (2001 й. июнь) учрашувида ГУУАМ хартияси қабул қилинди. ГУУАМ доирасида ягона ахборот маконини, эркин савдо зонасини вужудга келтириш масалалари, транспорт коммуникацияси, савдо-иқтисодий алоқалар билан бир қаторда илм-фан, технология ва ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари тўғрисида келишиб олинган⁶⁸.

ЕврАзЕС – Давлатлараро (халқаро) иқтисодий ташкилот. 2000 й. 10 октябрда Беларуссия, Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон Президентлари Остона ш.да имзолаган шартнома асосида таъсис этилган.

⁶⁶Ўша жойда. Б. 26.

⁶⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. 2002. Т.3. Б. 287.

⁶⁸Ўша жойда. Б. 134-135.

Европа Иттифоқи – 1992 й. 7 февралда Маастрихт (Нидерландия) битими асосан 1993 й. ташкил топган⁶⁹.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) – фаолияти 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Якунловчи хужжат, 1990 йилда Парижда қабул қилинган Янги Европа учун Хартия, 1992 йилда Хелсинкида қабул қилинган Декларация каби хужжатлар асосида амалга оширилади. 55 давлатни бирлаштирган (2002 й. маълумот)⁷⁰.

ИНОГЕЙТ (Марказий Осиёнинг минтақавий нефт-газ инфраструктураси учун кичик ҳажмдаги инвестицияларни молиялаштириш дастури) –

Инфратузилма (лот. инфра – паст ва структура – тузилиш) – иқтисодга оид адабиётларда XX асрнинг 40-йиллари охирида пайдо бўлган атама, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи хўжалик тармоқлари комплексини англатади. 1) Иқтисодиёт ва инсонлар фаолиятининг умумий шартларини таъминлаб берувчи халқ хўжалиги тармоқлари мажмуи (мас., ишлаб чиқариш инфраструктураси); 2) моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг фаолияти учун зарур бўлган иншоотлар, бино, тизим ва хизматлар мажмуи.

Коммюнике (франс. comunique, лот. communico – хабар қиламан) – давлатлар ўртасида халқаро шартномалар тўғрисида юритилган музокаралар ҳақидаги расмий хабар.

Конвенция (лот. conventio – шартнома, битим) – кўп томонлама халқаро битим ва шартномалар тури бўлиб, кўрилатган махсус соҳада давлатларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатади.

Консуллик (лот. консул - маслаҳатчи) – бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудида ўз мамлакатини, унинг юридик шахслари ва фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш, икки давлат орасида сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бериш учун тайинланган мансабдор шахс.

Консорциум (лот. ширкат, иштирок этиш) - Компаниялар, банкларнинг капиталталаб, жуда кенг кўламдаги иқтисодий лойиҳани амалга ошириш ёки қарзларни ҳамкорликда жойлаштириш учун тузилган вақтинчалик бирлашмаси.

Логистика – инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасини моддий-техник таъминлашни бошқариш тизими.

Логистика тизими – у ёки бу ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш муассасалари, ўқув юртлари асосий фаолиятининг самарали бўлишини таъминловчи инфратузилмалар тизими. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент. 2006. Т. 2. Б. 503.

Мамлакат – “давлат” тушунчасига яқин, лекин маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳага нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, халқнинг урф-одатлари, маданияти, тили каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Меморандум (лот. меморандум – эсда тутмоқлик) – дипломатик хужжат; бирор давлатнинг дипломатик йўл билан муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилиб ёзган номаси. Одатда нотага илова қилинади ёки бошқа мамлакат вакилига шахсан топширилади.

⁶⁹Там же. С. 127-128.

⁷⁰ Страны мира и международные организации: справочник. М.: 2004. С. 128.

Миссия (лот. missio – жўнатмоқ) – 1) муайян топшириқ билан бошқа мамлакатга юборилган вакиллар; 2) бир давлатнинг бошқа давлатдаги (елчихонадан фарқли равишда) вакили томонидан бошқариладиган доимий дипломатик ваколатхонаси.

НАТО – Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти – 04.04.49 й. АҚШ ташаббуси билан тузилган, 24.08.49 й.дан кучга кирган ҳарбий-сиёсий ташкилот. 1997 йилгача 40 давлат аъзо бўлган⁷¹.

НЕАП-II (Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаракат режаси ва экология сиёсатини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси)

Нота – бир давлат ҳукуматининг бошқа давлат ҳукуматига ёзма равишдаги расмий дипломатик мурожаати.

Ратификация (лот. ratus – тасдиқланган, fasio – қиламан) – ахдлашувчи давлатларнинг вакиллари тузган халқаро шартномани давлатнинг олий ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланиши.

Резидент – 1) миллий қонунлар қатъий одат бўлган муайян давлатда қайд этилган ёки доимий яшайдиган юридик ва жисмоний шахс; 2) жосуслик соҳасида фаолият юритадиган бир давлат разведкасининг бошқа давлатдаги ноқонуний вакили; 3) элчи (дипломатик вакил)⁷².

Саммит – 1) давлат бошлиқларининг учрашуви; 2) олий даражада икки ёки бир неча давлат делегацияларининг учрашуви, келишуви.

Стратегия – йирик миқёсдаги тизим ривожини белгилаб берадиган тамойил, узоқ муддатли мақсадларнинг амалга ошириш қонун-қоидалари, режалари маълум фаолият доирасида амалга ошириладиган тактик саъй-ҳаракатлар кетма-кетлиги.

ТАСИС (Technical Assistance to Commonwealth of Independent States) – ЕИ томонидан МДХ мамлакатларига ЕИ Комиссиясининг грант маблағлари ҳисобидан техникавий ёрдам кўрсатиш дастури. 1991 йилда ишлаб чиқилган.

Ташиқ сиёсат – дунё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва амалга оширишга доир устивор тамойил ва саъй-ҳаракатлар.

ТРАСЕКА – Европа – Кавказ – Осиё транспорт тармоғи (*Европани Кавказ орқали Осиё билан боғлайдиган автомобиль ва темир йўллари мажмуи*)– 1993 йил май ойида Брюсселда Марказий Осиё республикалари, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия давлатларининг савдо ва транспорт вазирлари иштирокида ўтказилган конференцияда бу йўлакни қуриш дастури қабул қилинган. Йўлакни барпо қилиш лойиҳаларини Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки молиялаштириш мажбуриятини олган. ТРАСЕКА т.й.нинг умумий узунлиги 10 минг км.дан ортиқ. Унинг 677 км. (Олот – Бухоро – Навоий – Самарқанд – Жиззах – Тошкент – Ғишткўприк йўналиши) Ўзбекистон ҳудудидан ўтади⁷³.

Хартия (юн.chartes – қоғоз, ёрлиқ) – 1) ўрта асрлардаги (шаҳарлар ва коммуналар Хартияси, эркинликнинг буюк Хартияси ва б.) ва янги замонда (Б.Брит. 1838 йилги Халқ Хартияси) оммавий-ҳуқуқий ва сиёсий тусдаги ҳужжат. Халқаро ҳуқуқда одатда Декларация сўзининг синоними сифатида қўлланилиб, мажбурий кучга эга бўлмайди, халқаро актнинг умумий

⁷¹ Страны мира и международные организации: справочник. М.: 2004. С. 128.

⁷² Ўша жойда. Б. 81.

⁷³ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. 2002. Т. 3. Б. 412-413.

қоидалари ва мақсадини ифодалайди (мас. Янги Европанинг Париж Хартияси); 2) эски қўлёзма.

Халқаро ҳуқуқ субъекти – халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари халқаро ҳуқуқ субъектлари деб аталади.

Чегара делимитацияси – келиб чиқишининг аниқ тасвири ва бошқа давлат билан тузилган келишувга мувофиқ ҳолда картага туширилган давлат чегаралари ҳолатини аниқлаш ва жўнатиш.

Чегара демаркацияси – делимитация ҳақидаги келишувга асосланиб, маҳаллий ҳудудда махсус чегара белгилари мавжудлигини англатувчи давлат чегарасини ўрнатиш⁷⁴.

Қўшилмаслик ҳаракати – ўз ташқи сиёсатида ҳарбий-сиёсий блок ва гуруҳларда иштирок этмасликни эълон қилган давлатларни бирлаштирган ҳаракат. Бу ҳаракат 1961 йилда ташкил топган, 2002 йил маълумотига кўра 113 та давлат аъзо⁷⁵.

⁷⁴ Халқаро муносабатлар. Тошкент. “Академия”. 2006. Б. 119.

⁷⁵ Там же. С. 127.

ИЛОВАЛАР**Ўзбекистан Республикаси суверенитетини тан олган ва ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатган давлатлар**

	Мамлакатлар	ЎзР суверенитети тан олинган сана	Ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилган сана
1	Австралия	1991.26.12.	1991.26.12.
2	Австрия Республикаси	1992.15.01.	1992.25.03.
3	Албания Республикаси	1992.04.01.	1993.23.11.
4	Америка Қўшма Штатлари	1991.27.12.	1992.19.02.
5	Ангола Республикаси		2002.31.05.
6	Аргентина Республикаси	1991.26.12.	1993.09.09.
7	Арманистон Республикаси	1992.26.02.	1995.27.10.
8	Афғонистон Республикаси	1991.22.12.	1992.13.10.
9	Бангладеш Халқ Республикаси	1991.30.12.	1992.15.10.
10	Баҳрайн Давлати	1991.28.12.	1992.29.05.
11	Белоруссия Республикаси	1991.27.12.	1993.21.01.
12	Белгия Қироллиги	1991.31.12.	1992.10.03.
13	Бенин Республикаси	1992.14.01.	2005.20.09.
14	Бирлашган Араб Амирликлари	1991.26.12.	1992.25.10.
15	Болгария Республикаси	1992.06.01.	1992.05.09.
16	Босния ва Герцеговина Республикаси	1992.13.04.	1996.14.05.
17	Ботсвана Республикаси	1991.30.12.	
18	Бразилия Федератив Республикаси	1991.26.12.	1993.30.04.
19	Бруней-Доруссалом		1996.20.06.
20	Буркина Фасо	1992.25.01.	
21	Бурунди Республикаси	1992.06.01.	
22	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги	1991.31.12.	1992.18.02.
23	Ватикан Давлати	1992.01.02.	1992.17.10.
24	Венгрия Республикаси	1991.26.12.	1992.03.03.
25	Венесуэла Республикаси	1992.21.01.	1996.26.04.
26	Ветнам Социалистик Республикаси	1991.27.12.	1992.17.01.
27	Габон Республикаси	1992.10.01.	
28	Гаяна Республикаси	1992.08.01.	
29	Гана Республикаси	1992.22.04.	1993.28.10.
30	Гвинея Республикаси	1992.09.01.	1993.24.06.
31	Гвинея Экватор Республикаси	1992.17.01.	1993.24.06.
32	Германия Федератив Республикаси	1991.31.12.	1992.06.03.
33	Греция Республикаси	1992.02.01.	1992.16.03.
34	Грузия Республикаси	1991.10.10.	1994.19.08.
35	Дания Қироллиги	1991.31.12.	1992.25.01.
36	Жазоир Халқ Демократик Республикаси	1991.26.12.	1992.30.06.

37	Жанубий Африка Республикаси	1992.10.01.	1992.12.08.
38	Жибути Республикаси	1992.06.01.	
39	Замбия Республикаси	1992.17.02.	1994.01.02.
40	Зимбабве Республикаси	1992.27.01.	
41	Индонезия Республикаси	1991.28.12.	1992.23.06.
42	Иордания Ҳошимийлар Қироллиги	1991.28.12.	1993.15.02.
43	Ирландия Республикаси	1991.31.12.	1997.07.11.
44	Ироқ Республикаси	1992.01.01.	1993.19.06.
45	Исландия Республикаси	1992.19.01.	1997.25.09.
46	Испания Қироллиги	1991.31.12.	1992.17.03.
47	Исроил Давлати	1991.25.12.	1992.22.02.
48	Италия	1992.10.01.	1992.24.03.
49	Кабо Верде Республикаси	1992.16.01.	
50	Камбоджа Давлати	1991.29.12.	1995.07.09.
51	Канада	1991.25.12.	1992.07.04.
52	Кипр Республикаси	1992.27.12.	1997.30.05.
53	Комор Ороллари		2005.23.05.
54	Корея Республикаси	1991.30.12.	1992.29.01.
55	Корея Халқ Демократик	1991.26.12.	1992.07.02.
56	Коста-Рика Республикаси	1991.27.12.	2001.07.06.
57	Куба Республикаси	1992.20.01.	
58	Қувайт		1994.08.07.
59	Лаос Халқ Демократик	1992.02.01.	1992.10.09.
60	Латвия Республикаси	1992.22.10.	1992.03.11.
61	Лесото Қироллиги	1992.29.01.	
62	Ливан Республикаси	1991.30.12.	1998.22.10.
63	Ливия	1992.02.01.	
64	Литва Республикаси	1991.20.01.	1992.05.08.
65	Люксембург Буюк Гертсоглиги	1991.31.12.	1992.10.06.
66	Маврикий		1999.04.08.
67	Мадагаскар Демократик	1992.04.04.	
68	Македония Республикаси	1991.04.12.	1994.31.12.
69	Малайзия	1992.01.01.	1992.21.02.
70	Мали Республикаси	1992.24.01.	1997.13.02.
71	Малдив Республикаси	1994.07.12.	1994.07.12.
72	Мальта Республикаси		1993.25.02.
73	Марокаш Қироллиги	1991.13.12.	1993.11.10.
74	Мексика Қўшма Штатлари	1991.26.12.	1992.16.03.
75	Миср Араб Республикаси	1991.26.12.	1992.23.01.
76	Мозамбик Халқ Республикаси	1991.27.12.	
77	Молдова Республикаси	1994.23.08.	1994.23.08.
78	Монголия	1991.19.12.	1992.25.01.
79	Мянма Иттифоқи		2001.08.02.
80	Намибия Республикаси	1991.25.12.	1999.17.08.

81	Непал Қироллиги	1992.02.01.	
82	Нигерия Федератив Республикаси	1992.11.03.	1992.28.08.
83	Нидерландия Қироллиги	1991.31.12.	1992.10.07.
84	Норвегия Қироллиги	1992.02.01.	1992.10.06.
85	Озарбайжон Республикаси	1991.19.10.	1995.02.10.
86	Панама	1992.02.01.	
87	Парагвай Республикаси		2001.27.08.
88	Перу Республикаси	1991.26.12.	1999.22.12.
89	Покистон Ислом Республикаси	1991.20.12.	1992.10.05.
90	Польша Республикаси	1991.27.12.	1992.19.03.
91	Португалия Республикаси	1992.16.01.	1992.12.08.
92	Россия Федерацияси	1992.20.03.	1992.20.03.
93	Руминия	1991.20.12.	1995.06.10.
94	Саудия Арабистони	1991.30.12.	1992.20.02.
95	Сенегал Республикаси		1995.06.10.
96	Сингапур Республикаси	1992.02.01.	1997.08.04.
97	Словакия Республикаси	1992.24.01.	1993.01.01.
98	Словения Республикаси	1991.27.12.	1995.16.01.
99	Судан Республикаси	1991.30.12.	2005.06.01.
100	Сурия Араб Республикаси	1991.28.12.	1992.24.04.
101	Серра-Леоне Республикаси	1991.21.12.	
102	Таиланд Қироллиги	1991.26.12.	1992.06.05.
103	Того Республикаси	1993.10.11.	
104	Тожикистон Республикаси	1992.06.01.	1992.20.10.
105	Тунис Республикаси	1991.26.12.	1992.26.11.
106	Туркия Республикаси	1991.16.12.	1992.04.03.
107	Туркманистон	1993.07.01.	1993.07.01.
108	Украина	1992.24.01.	1992.25.08.
109	Уммон Султонлиги	1991.28.12.	1992.22.04.
110	Уругвай	1991.26.12.	1998.25.05.
111	Фаластин Давлати	1991.30.12.	1994.25.09.
112	Филиппин Республикаси	1992.22.01.	1992.13.04.
113	Финляндия Республикаси	1991.30.19.	1992.26.02.

114	Франция Республикаси	1992.03.01.	1992.01.03.
115	Хитой Халқ Республикаси	1991.27.12.	1992.02.01.
116	Хорватия Республикаси	1991.28.12.	1995.06.02.
117	Чад Республикаси	1993.12.01.	1994.16.09.
118	Чехия Республикаси	1992.24.01.	1993.01.01.
119	Чили Республикаси	1992.18.03.	1994.15.09.
120	Швейцария Конфедерацияси	1991.23.13.	1992.07.05.
121	Швеция Қироллиги	1992.16.01.	1992.08.04.
122	Шимоллий Кипр Турк Республикаси	1992.24.01.	
123	Шри-Ланка	1992.12.02.	1999.11.10.
124	Эквадор Республикаси	1992.02.01.	
125	Эрон Ислом Республикаси	1991.25.12.	1992.10.05.
126	Эстония Республикаси	1992.20.02.	1994.25.10.
127	Эфиопия Халқ Демократик Республикаси	1992.02.01.	1996.15.07.
128	Югославия Социалистик Республикаси	1991.31.12.	1995.18.01.
129	Ямайка	1992.06.01.	1996.08.08.
130	Яман Республикаси	1991.30.12.	1992.25.05.
131	Янги Зеландия	1992.19.03.	1992.19.03.
132	Япония	1991.28.12.	1992.26.01.
133	Қатар Давлати		1997.27.11.
134	Қирғизистон Республикаси	1992.29.09.	1993.16.02.
135	Қозоғистон Республикаси	1992.23.10.	1992.23.10.
136	Ҳиндистон Республикаси	1991.26.12.	1992.18.03.

Жадвал Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан олинган⁷⁶

⁷⁶ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. 2006. Т. 12. Б. 212-213.

Аҳолисининг сони жиҳатидан етакчи давлатлар:

№	1950 йилдаги аҳоли сони	2003 йилдаги аҳоли сони	2050 йилга бориб (тахмин)
1	Хитой - 555 млн.	Хитой - 1 304,2 млн.	Ҳиндистон - 1 531 млн.
2	Ҳиндистон – 358 млн.	Ҳиндистон - 1 065,5 млн.	Хитой - 1 395 млн.
3	АҚШ-158млн.	АҚШ - 294,0 млн.	АҚШ -409 млн.
4	Россия - 103 млн.	Индонезия - 219,9 млн.	Покистон - 349 млн.
5	Япония - 84 млн.	Бразилия - 178,5 млн.	Индонезия - 294 млн.
6	Индонезия - 80 млн.	Покистон-153,6 млн.	Нигерия - 258 млн.
7	Германия - 68 млн.	Бангладеш-146,7 млн.	Бангладеш - 255 млн.
8	Бразилия - 54 млн.	Россия -143,2 млн.	Бразилия - 233 млн.
9	Б.Британия - 51 млн.	Япония -127,7 млн.	Эфиопия - 170 млн.

Ўзбекистон Республикаси элчихоналари жойлашган мамлакатлар:

- | | | |
|---------------|-----------------|------------------|
| 1. Австрия | 11.Қувайт | 21. Туркия |
| 2. Афғонистон | 12.Латвия | 22. Туркманистон |
| 3. АҚШ | 13.Малайзия | 23. Украина |
| 4. Бельгия | 14.Миср | 24. Франция |
| 5. Б.Британия | 15.Озарбайжон | 25. Хитой |
| 6. Германия | 16.Покистон | 26. Эрон |
| 7. Индонезия | 17.Польша | 27. Япония |
| 8. Исроил | 18.Россия | 28. Қирғизистон |
| 9. Италия | 19.Саудия Араб. | 29. Қозоғистон |
| 10.Корея Рес. | 20.Тожикистон | 30. Ҳиндистон. |

Ўзбекистон Республикаси консулхоналари жойлашган шаҳарлар:

- | | |
|--------------------------|-------------------------|
| 1. Афина (Греция) | 6. Мозори-Шариф (Афғ.) |
| 2. Бангкок (Таиланд) | 7. Нью-Йорк (АҚШ) |
| 3. Жидда (С. Арабистони) | 8. Франкфурт (Германия) |
| 4. Дубай (БАА) | 9. Шанхай(ХХР). |
| 5. Истанбул (Туркия) | |

ЖАҲОН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРИ

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) (1945)
2. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) (1944)
3. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) (1944)
4. БМТнинг маъориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) (1945)
5. Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЕ) (1956)
6. Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ) (1994)
7. Иқтисодий ҳамкорлик ва юксалиш ташкилоти (ИХЮТ) (1960)
8. Катта саккизлик кенгаши
9. Париж клуби (ПК) (1956)
10. Лондон клуби (ЛК) (1980)
11. Британия Ҳамдўстлиги (1947)
12. Қўшилмаслик ҳаракати (1961)

МИНТАҚАВИЙ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

ЕВРОПА

1. Европа иттифоқи (ЕИ) (1993)
2. Шимолий Атлантика ташкилоти шартномаси (НАТО) (1949)
3. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) (1973)
4. Европа кенгаши (ЕК) (1949)
5. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) (1991)
6. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) (1990)
7. Евросиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЕС) (2000)

ОСИЁ, АФРИКА, АВСТРАЛИЯ ВА ОКЕАНИЯ

1. Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН) (1967)
2. Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) (1960)
3. Осиё юксалиш банки—
4. Араб давлатлари лигаси (1945)
5. Ислон конференцияси ташкилоти (1969)

6. Африка иттифоқи (АИ) (1963)
7. Африка юксалиш банки (1963)
8. Афро-Маврикия умумий ташкилоти (1961)

АМЕРИКА

1. Америка давлатлари ташкилоти (1948)
2. Лотин Америка интеграция ассоциацияси (1980)
3. Лотин Америка иқтисодий системаси (1975)
4. Марказий Америка давлатлари ташкилотлари (1951)⁷⁷

⁷⁷ Страны мира и международные организации. Справочник. Москва: 2004. Б. 127-129.

ЯДРО ҚУРОЛИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР

1. Россия (сунъий йўлдошга ҳам эга)
2. АҚШ(сунъий йўлдошга ҳам эга)
3. Б.Британия
4. Франция (сунъий йўлдошга ҳам эга)
5. Италия (сунъий йўлдошга ҳам эга)
6. Хитой (сунъий йўлдошга ҳам эга)
7. Ҳиндистон (2008 йил октябрдан сунъий йўлдошга ҳам эга)
8. Покистон
9. Корея Халқ Демократик Республикаси⁷⁸

ЯДРОСИЗ ЗОНАЛАР:

Бугунги кунда ядродан холи ҳудудлар бутун Ер шарининг 70 фоизини ташкил этади. Дунёниинг кўпгина давлатлари ядродан холи ҳудудлар ҳақидаги 6 та шартномани қўллаб-қувватламоқда.

1. Антарктида шартномаси 1959 йил 1 декабрда қабул қилиниб, 1961 йил 3 июнда кучга кирган.
2. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ядро қуролини тақиқлаш ҳақидаги Тлателолко шартномаси 1967 йил 14 февралда қабул қилиниб, 1969 йил 25 апрелда кучга кирган.
3. Тинч океанининг жанубий қисмини ядродан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Раротон шартномаси 1985 йил 6 августда қабул қилиниб, 1986 йил 11 декабрда кучга кирган.
4. Жануби-Шарқий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Бангкок шартномаси 1995 йил 15 декабрда қабул қилинган.
5. Африкани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Пелиндап шартномаси 1999 йил 11 апрелда қабул қилинган.
6. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисидаги Семипалатинск (Қозоғистон) шартномаси 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинган ва Марказий Осиёдаги 5 та давлат раҳбарлари томонидан имзоланган.

Демак, дунёнинг 110 мамлакати, яъни жаҳон ҳамжамиятининг ярмидан кўпи ядро қуролидан бутунлай воз кечиш тарафдоридир. Бундан кўзланган мақсад ядро қуроли мавжуд бўлган ҳудудларни чеклаш, ядро уруши хавфини камайтиришдир⁷⁹.

⁷⁸ Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005.

⁷⁹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Тошкент. 2013. Б. 34.

БМТ Бош котиблари:

1. Трюгве Ли: *Норвегия*. 1946 йил февраль – 1952 йил ноябрь.
2. Даг Хаммершилд: *Швеция*. 1953 йил апрель – 1961 йил сентябрь.
3. У Тан: *Бирма*. 1961 йил (расмий) 1962 йил ноябрь – 1971 йил декабрь.
4. Курд Валдхайм: *Австрия*. 1972 йил январь – 1981 йил декабрь.
5. Хавер Перес де Куэлер: *Перу*. 1982 йил январь – 1991 йил декабрь.
6. Бутрос Бутрос Ғолий: *Миср*. 1992 йил январь – 1996 йил декабрь.
7. Кофе Аннан: *Гана*. 1997 йил 1 январь – 2005 йил 31 декабрь.
8. Пан Ги Мун: *Жанубий Корея*. 2006 йил 1 январь – .

Дунёдаги буюк саккизлик давлатлари

- | | |
|---------------|------------|
| 1. АҚШ | 5. Италия |
| 2. Япония | 6. Канада |
| 3. Б.Британия | 7. Франция |
| 4. Германия | 8. Россия |

Асосий адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1992.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.1-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўли. 6-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1999.
9. И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2000.
10. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2001.
11. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2002.
12. И.А.Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. 11-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2003.
13. И.А.Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимизга ва қатъий иродаимизга боғлиқ.. 12-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2004.
14. И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2005.
15. Тараққёт ва ҳамкорлик йўлларида (Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси). Тошкент. Ўзбекистон. 1993.
16. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1992.
17. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисидаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент. “Адолат”. 1997. 15-сон.
18. Халқаро шартномалар тўғрисидаги қонуни. Тошкент. “Адолат”. 1997. 15-сон.
19. Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисидаги қонун. Тошкент. “Адолат”. 1997. 15-сон.
20. С.М.Миркасымов, Рахманова. Дипломатическая служба: теория и практика: учебное пособие. Т. Академия. 2004.
21. П.А.Цыганков. Теория международных отношений. Учебное пособие. М.: Гардарики. 2004.
22. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент. Шарқ. 2009.

23. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. Т. “Академия”. 2005.

24. Халқаро муносабатлар. Тошкент. “Академия”. 2006.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2002. Т. 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12.
2. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. Тошкент. “Шарқ”. 1999.
3. Муҳаммад ас-Сайид Салим, Иброҳим Арофат, Н.Иброҳимов, С.Иноғомов. Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1999.
4. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари.(Даврий тўплам). №3. Тошкент. “Шарқ”. 2000.
5. Мустақил Ўзбекистон. Тошкент. “Тошкент Ислом университети”. 2003.
6. Жаҳон мамлакатлари: қисқача маълумотнома. Тошкент. “Шарқ”. 2006.
7. Страны мира и международные организации: справочник. М.: 2004.

Матбуот материаллари:

1. Халқ сўзи. 1997 й. 1 январь.
2. Халқ сўзи. 2001й. 6 октябрь.
3. Халқ сўзи. 2001й. 9 октябрь.
4. Халқ сўзи. 2004 й. 3 апрель.
5. Халқ сўзи . 2004 й. 4 май.
6. Халқ сўзи. 2005й. 8 июнь.
7. Халқ сўзи. 2005й. 9 июнь.
8. Халқ сўзи . 2006 й. 26, 29 август.
9. Халқ сўзи. 2006 й. 2 ноябрь.
10. Халқ сўзи. 2007 й. 23 январь.
11. Халқ сўзи. 2007 й. 28 январь.
12. Халқ сўзи. 2007 й. 30 январь.
13. Халқ сўзи. 2007й. 2 март.
14. Халқ сўзи . 2007 й. 17 март.
15. Халқ сўзи. 2007 й. 29 март
16. Халқ сўзи . 2007 й. 3 апрель
17. Халқ сўзи. 2007й. 6 декабрь
18. Халқ сўзи . 2009 й. 21 январь.

Интернет манбалар:

- [http:// www.gov.uz](http://www.gov.uz).
- [http:// www.press-sevise.uz](http://www.press-sevise.uz)
- [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- [http:// www.aci.uz](http://www.aci.uz)
- [http:// www.api.uz](http://www.api.uz)
- [http:// www.edu.uz](http://www.edu.uz)
- [http:// www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- [http:// www.edunet.uz](http://www.edunet.uz)
- [http:// www.google.co.uz](http://www.google.co.uz)
- [http:// www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)
- [http:// www.uzlidep.uz](http://www.uzlidep.uz)
- [http:// www.fundforum.uz](http://www.fundforum.uz)

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	5
2. “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати: тарих ва ҳозирги замон” махсус курсининг мақсад ва вазифалари.....	7
3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши.....	12
4. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари: тинчлик ва минтақавий хавфсизлик учун кураши.....	19
5. Ўзбекистон Республикасининг Америка давлатлари билан иқтисодий-сиёсий ҳамкорлиги.....	30
6. Ўзбекистон Республикасининг Ғарбий Европа мамлакатлари билан иқтисодий-сиёсий ҳамкорлиги.....	37
7. Ўзбекистон Республикасининг Шарқий Европа давлатлари билан иқтисодий-сиёсий ҳамкорлиги.....	43
8. Ўзбекистон Республикасининг Африка давлатлари билан иқтисодий-сиёсий ҳамкорлиги.....	49
9. Ўзбекистон ва Осиё-Тинч океани ҳавзаси минтақаси: ўзаро фойдали ҳамкорлик.....	58
10. Ўзбекистон Республикасининг Яқин Шарқ мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги.....	67
11. Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Шарқ мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги.....	71
12. Ўзбекистон, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари: интеграцион жараёнлар.....	77
13. Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро ҳамкорлиги.....	87
14. Хулоса.....	97
15. Таянч иборалар.....	99
16. Иловалар.....	104
17. Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.....	113

